



Ватан шаънини улуғлаш — энг буюк бахт



Пойтахтимизда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида август-сентябрь ойларида бўладиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларида иштирок этадиган Ўзбекистон спорт делегациясини кузатиш маросими бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида барча жабҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар инсон манфаатлари, халқимизнинг эзгу орзу-истаклари рўёбига хиз-

мат қилаётгани, айниқса, келажакимиз эгалари бўлган ёш авлодни жисмоний ва маънавий етук, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга қаратилаётганини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда.)



(Давоми 3-бетда.)

Kim edigu kim bo'ldik!

Бу йил ҳамқишлоғимиз, мактаб ўқувчиси Элбек Иброҳимовнинг Таиланднинг Банкок шаҳрида бўлиб ўтган Осиё очик чемпионатида ғолиблик шохсупасига кўтарилганини эшитиб, барчамиз ниҳоятда хурсанд бўлдик. Шу лаҳзаларда менинг ва умуман ёшлик йиллари мустабид тузум даврида кечганларнинг кўнглидан “Эҳ, бизда ҳам шундай имконият бўлганида эди...”, деган ўкинч ўтгани рост.

Мустақилликнинг умид ғунчалари

Мен Элбекжоннинг ютуғини юртимизда келажак ворисларига қаратилаётган юксак эътибор натижаси, деб биламан. Аслида ҳам шундай. Шу йилнинг ўзида Пастдарғом туманидан 4 нафар ёш спортчи жаҳон чемпиони бўлди. Яна юзлаб ёшларимиз турли спорт йўналишлари бўйича халқаро ва Осиё чемпионатларида, нуфузли мусобақаларда иштирок этиб, медаллар шодаси билан қайтишяпти. Ўн-ўн беш яшар фарзандларимиз жаҳон ареналарида юртимиз байроғини бошлари узра кўтаришганида беихтиёр кўзимда ёш қалқийди. Шулар қаторига Элбекжоннинг ҳам қўшилгани яна бир қарра юрагимда фахр ва ифтихор туйғусини уйғотди. Набираларимга ғурур билан айтдим: “Элбекжон чемпион бўлди, ҳамма ҳавас билан қараяпти. Аслида, унинг шундай ютуқларга эришиши учун шароит яратиб берган Юртбошимизнинг ўзлари асл чемпион, болаларим!”

(Давоми 3-бетда.)

Талабалик бахтига мушарраф бўлинг

Мамлакатимиз олий таълим муассасаларига ҳужжат топширган абитуриентлар учун ҳаяжонли дақиқалар тобора яқинлашаёттир. Биринчи август — тест синовларини топширишга ҳам саноқли кунлар қолди. Ҳозир барча олий ўқув юртларида ҳужжатлар қабули тугаб, тест синовларини юқори даражада ўтказишга қизғин тайёргарлик ишлари кетмоқда. Топширилган ҳужжатлар тартибланаяпти, синовлар ўтадиган бинолар, аудиториялар, овқатланиш ва саломатлик шохобчалари тахт қилинмоқда.



Abituriyent — 2016

Мухбиримиз масъулиятли синов арафасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази бўлим бошлиғи Қаюм Боймировга бир неча саволлар билан мурожаат қилди.

— Жорий йилда олий таълим муассасаларига

абитуриентлардан тушган аризалар сони қанчали ташкил этди ва буни ўтган йилги рақамлар билан қиёсласангиз?

— Республикамиз олий ўқув юртларига 2016 йилда 663298 нафар абитуриентдан ариза келиб тушди.

(Давоми 5-бетда.)

Vatanimiz mustaqilligining 25 yilligiga



Кўнгил соғинчлари

— Қачон водийга борамиз? Қарагин, телевизорда ҳам тинмай шаҳрингни кўрсатишяпти. Сенинг ўрнингга мен типирчилаяман, мен... Бу кишининг парвойи фалак, — дея холи-жонимга қўймайди самарқандлик дугонам Шаҳноза уч ой аввал режа-

лаштирган сафаримизни эслашиб. — А... бу, водийликлар меҳмондўст, етти ёт бегонага ҳам уйининг тўрини бўшатиб берадиган хушлафз кишилар эмасмиди? — кўзларини алланечук қисиб, юракка тўри борадиган савол ташлайди энди.

— Бўпти, тайёрланавер! — дейман ноўрин истеҳзодан норозиланиб. — Эртадан кейин саҳарлаб йўлга чиқамиз. Водийликларнинг шундай одамижонини кўрсатайки, уларни умринг бўйи энтикиб эслаб юр. Ўзингга қийин...

(Давоми 8—9-бетларда.)

Ватан шаънини улуғлаш – энг буюк бахт

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб воғга етказиш, Ватанимизнинг халқро майдондаги об-рўсини янада юксалтиришнинг муҳим омилларидан бири сифатида спортни ривожлантириш ва оммалаштиришга Президентимиз томонидан қаратилаётган доимий эътибор ўзини юксак самараларини бераётганини қайд этиб, спорт оламининг нуфузли мусобақалари — XXXI Ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларида спортчиларимизга муваффақият тилади.

Мустақиллигимиз шарофати билан спортчиларимиз жаҳон спорт ареналарида она Ватанимиз номидан беллашувларга чиқиб, улкан ғалабаларни қўлга киритаётгани, давлатимиз мадҳисини баралла янграйиб, байроғимизни сарбаланд этаётгани қалбларимизга фахр-ифтихор туйғуларини бағишлайди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан спортнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳанинг ривожланиши учун халқро стандартлар талаблари даражасида асос яратиш мақсадида 2002 йилда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил қилинди. Ўтган давр мобайнида жамғарма томонидан мамлакатнинг барча ҳудудларида замонавий спорт иншоотлари барпо этилди. Бугунги кунда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларнинг қарийб 60 фоиз спорт секциялари-га қатнашмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда олимпия ҳаракати кенг тус олди. "Ўмид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада мусобақаларида иборат уч босқили спорт ўйинлари мунтазам ташкил этилмоқда. "Кичик Олимпиада" макомини олган бу мусобақалар бугун минглаб спортсевар ёшларнинг иқтидору маҳоратини юзага чиқариб, уларнинг жаҳон спорт ареналарида қишқичида катта парвоз майдонига айланди.

Президентимизнинг ҳеч бир соҳа мамлакатни спортчилар дунёга тез танита олмайдиган, деган сўзларининг исботини юксак мақсадлар сари курашадиган, халқро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир спортчилар этишиб қишқирганида, уларнинг Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида муносиб қатнашиб, юксак ғалабаларни қўлга киритаётганида аққол кўришимиз мумкин.

Мамлакатимиз спортчилари Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтадиган XXXI Ёзги Олимпия ўйинлари ва XV Паралимпия ўйинларида иштирок этиши бунинг далилидир.

Президентимизнинг 2013 йил 25 февралдаги "Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI Ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида"ги қарори спортчиларимизни ушбу нуфузли спорт анжуманларига пухта, босқичма-босқич тайёрлаб боришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Олимпия ўйинларига йўлланмаларни қўлга киритиш ва ушбу мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаш имконияти юқори бўлган истиқболли спорт турлари аниқланиб, улар бўйича федерацияларнинг фаолияти атрофлича ўрганиб чиқилди.

Давлатимиз раҳбарининг қарори ихроси доирасида 2013 йил 2 апрелда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳузуридаги Ўзбекистон олимпиадачиларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаоли-



ятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Жамғарма маблаглари республика спорт федерацияларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлашга йўналтирилмоқда. Олимпия ва Паралимпия ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари бўйича Ўзбекистон спортчи ва мураббийларига стипендия тўлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланиб, спортчи ва мураббийлар муносиб рағбатлантирилмоқда.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасининг янги биноси фойдаланишга топширилди, Ўзбекистон спортчиларини тиббий-биологик хизмат ва спорт психологиса билан таъминлаш бўйича ихтисослаштирилган марказ ташкил этилди. Спортчиларимиз мамлакатимиз ва хорижда ташкил этилган ўқув-машғулот йиғинларида иштирок этиб, тажриба ва маҳоратини оширди.

Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, Тошкент шаҳрида Олий маҳорат спорт мактаблари барпо этилмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раиси М.Усмонов мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида барча соҳалар қатори спорт ҳам жадал ривожланаётганини алоҳида қайд этди. Сўзга чиққан спортчиларимиз Олимпия ўйинларида ўзларининг маҳоратини намойиш этиб, юксак ғалабалар билан қайтишга ваъда бердилар. Бу ғалабалар мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрамига муносиб тўхфа бўлажagini таъкидлади.

Президентимизнинг 2016 йил 12 июлдаги Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI Ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёргарлиги ва иштироки тўғрисидаги қарори спортчиларимизнинг мазкур нуфузли мусобақаларда муносиб қатнашишини таъминлашга хизмат қилади.

Агар, 2012 йили бўлиб ўтган Лондондаги мусобақаларда 63 спортчимиз иштирок этган бўлса, бу йилги ўйинларда 100га яқин спортчимиз қатнашиши кейинги тўрт йил ичида профессионал спортимиз шиддат билан ўсганини яққол кўрсатади.

Олимпия ўйинларида спортчиларимиз академик эшак эшиш, бадий гимнастика, байдарка ва каноэда эшак эшиш, бокс, дзюдо, енгил атлетика, оғир атлетика, спорт гимнастикаси, стол тенниси, сузиш, тазквондо (WTF), теннис, трамполин, ўқ отиш, эркин ва юнрон-рум кураши каби қатор спорт турлари бўйича бахшлашади. Улар орасида Олимпия ўйинлари ва жаҳон чемпионатлари голиб ва совриндорлари бўлган тажрибали спортчилар билан бир қаторда ушбу мусобақада илк мартаба иштирок этадиган ёш спортчилар ҳам қўллиги мамлакатимиз спорт салоҳи-

яти юксалиб бораётганидан далолат беради.

Бу йилги XXXI Ёзги Олимпия ўйинлари Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида ташкил этилаётгани ҳам ўзига хос маъно-мазмунга эга. Зеро, истиқлолимиз тўғрисида истеъдоду салоҳиятда ҳеч кимдан кам бўлмаган ва ҳеч қачон кам бўлмайдиган, жаҳон майдонларида Ўзбекистон байроғини баланд кўтариб, юксак ғалабаларни тантана қиладиган спортчилар этишиб қишқирганидан фахрланамиз.

Спортчиларимиз бу йилги Олимпия ва Паралимпия ўйинларида "Ўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" деган шiori қалбига жо қилиб, бўлажак беллашувларда юксак натижаларни қўлга киритишга ва энг улуғ, энг азиз байрамимизга муносиб тўхфа билан қайтишга аҳд қилган.

— Мени Президентимиз асос солган уч босқили узлуксиз спорт мусобақалари тарбиялади, истеъдодимни юзага чиқарди. Биз Бразилияга йўл олар эканмиз дилимизда ҳам, тилимизда ҳам "Ўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" деган шior билан курашга киришамиз, — дейди бокс бўйича Осиё чемпиони, жаҳон чемпионати совриндори Бектемир Мелиқўзиев. — 2015 йилда Оқсаройда "Шухрат" медалини топираётганларида Президентимиз мени бағрига босиб, «Сен Олимпиададан албатта чемпион бўлиб келишинг керак!» дея юксак ишонч билдирдилар. Ўртбошимизнинг бу сўзлари юрагимдан мустаҳкам ўрин олган. Олимпия ўйинларидан албатта чемпион бўлиб, Ватанимга ёруғ юз билан қайтаман.

— Лондонда ўтган Олимпия ўйинларида бронза медални қўлга киритганимдан кейин Президентимиз мени "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони билан тақдирлаганида, бу юксак мукофот мен учун олтин медалдан ҳам қадрлироқ эканини ҳис қилдим, — дейди дзюдо бўйича икки карра жаҳон чемпиони, икки карра Олимпия ўйинлари совриндори Ришод Собиров. — Мен Рио-де-Жанейро шаҳрида бўладиган XXXI Ёзги Олимпиадада "Ўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" дея беллашувларга киришаман ва Президентимизнинг, халқимизнинг ишончини оқлайман!

— Ҳар бир спортчимиз каби мен ҳам жаҳон майдонларида она Ватанимиз — Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилиш имконига истиқлол шарофати билан эришганимни чуқур ҳис қиламан, — дейди тазквондо (WTF) бўйича жаҳон чемпиони Дмитрий Шокин. — Мен мана шундай юрта тугилиб, вояга етганимдан, спорт билан шуғулланиб, жаҳон спорт ареналарида Ватан шаъни учун беллашувларга кириш бахтига муяссар бўлаётганимдан фахрланаман. Жаҳон чемпионатида

қўлга киритган олтин медалимни Олимпия ўйинларида ҳам такрорлашни мақсад қилганман. Чунки "Ўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шiori қалбимдан мустаҳкам жой олган. У менга куч-қувват беради.

— Мамлакатимизда спортнинг қизларга хос турлари, жумладан, бадий гимнастикани ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик минглаб спортсевар қизларнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишида, орзуларининг рўёбга чиқишида муҳим омил бўлмоқда, — дейди бадий гимнастика бўйича Осиё чемпиони Луиза Ганиева. — Бундай эътибор ва ғамхўрликка жавобан Олимпиададан ёруғ юз билан қайтишга ваъда берамиз.

Ўзбекистон халқ шoirи С.Сайид Ўзбекистон спорт делегациясига бўлажак мусобақаларда омад ёр бўлишини тилаб, янги шеърини ўқиб берди.

Санъаткорлар иштирокида намойиш этилган концерт спортчиларга кўтаринки кайфият бағишлади.

XXXI Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларида қатнашадиган Ўзбекистон спорт делегацияси аъзолари аънанга мувофиқ Мустақиллик ва эзгулик монументи, Амир Темур ва Алишер Навоий ҳайкаллари пойга гул қўйди.

— Мустақиллик ва эзгулик монументи пойга гул қўйиш асносида халқро майдонларда эришаётган барча ютуқларимиз истиқлол тўғрисида эканини яна бир бор чуқур ҳис этдик ва ушбу муээзам майдонда туриб Олимпиададан ёруғ юз билан қайтишни мақсад қилдик. Президентимиз халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида мени бағрига босиб, Олимпия ўйинларида чемпион бўлишimgа ишонч билдирди. Президентимизнинг ишончи менга далда бўлди! — дейди бокс бўйича жаҳон чемпионати совриндори Баҳодир Жалолов. — Олимпия ўйинларида Ўзбекистон байроғини баланд кўтариб чиқиш менга топирилганидан фахрланаман. Президентимиз томонидан спортчиларга кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликка жавобан Олимпия ўйинларида юксак натижаларга эришиш учун барча куч ва салоҳиятимизни ишга соламиз.

— Спорт оламининг энг нуфузли мусобақаси — Олимпия ўйинларида жонажон Ўзбекистонимиз байроғини баланд кўтариб, мадҳиямизни янграйтиш биз, спортчилар учун юксак шарафдир, — дейди юнрон-рум кураши бўйича жаҳон чемпионати совриндори Элмурод Тасмуродов. — Чунки ўз тақдирини мана шу юрт тақдирини билан муштарак кўриш, Ватан шаънини ҳимоя қилиш — энг улуғ бахтдир!

— Биз не-не улуғ алломаларга бешик бўлган буюк юрт фарзандлари эканимиздан фахрланамиз, болаларимизга муносиб ворис бўлишни бурчимиз, деб биламиз, — дейди тазквондо (WTF) бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Нигора Турсункулова. — Мақсадимиз Рио-де-Жанейро шаҳрида бўладиган XXXI Ёзги Олимпиадада Ўзбекистон спортчилари истеъдоду салоҳиятда, тажриба ва маҳоратда ҳеч кимдан кам эмаслигини ва ҳеч қачон кам бўлмаслигини яна бир бор исботлашдир.

Ўзбекистон спорт делегациясини кузатиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Н.Йўлдошев, Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов иштирок этди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
Жавоҳир ТОШҲУЖАЕВ,
ЎЗА мухбирлари
ЎЗА суратлари.

2016-yil 23-iyul, № 59 (8916)

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Кўсини олтин медаль бегаган ёш спортчига қараб, ўтган асрнинг 50—90-йилларидаги болаларнинг ҳаёти кўз олдимда беихтиёр гавдаланди. Талабалик йилларим энгил атлетика билан шуғулланганман. Яхши эсламан: ўша вақтда республикамизда кўпгина спорт турлари бўйича миллий жамоаларнинг ўзи йўқ эди. 1956 йил август ойда Москва шаҳрида собиқ иттифоқ халқларининг 2-спартакиадаси бўлди. Ўша мусобақада мен ҳам иштирокчилар сафида эдим. Москванинг Қозон вокзалига бориб тушганимиздаги ҳолат ҳеч ҳам ёдимдан чиқмайди. Бизни қўлларидан гулдасталар билан кутиб олаётган қизларнинг «Ўзбеклар келганми ўзи?», «Ўзбеклардан ким бор?» деб иккиланиб, ортига қай-

қилишди. Маърузачи айтиб ўтган рақамлар билан ўзим ишлаган даврларни қиёсламан. Айни пайтда туманимиздаги 124 та мактабда 3500 нафардан ортиқ олий маълумотли ўқитувчилар келажақ ворисларига таълим-тарбия бераётган экан. Кейинги 4-5 йилда деярли барча мактаб бинолари замон талаблари даражасида қайта қурилган. Умумтаълим муассасаларининг барчаси спорт залларига эга.

Энди ўтган асрдаги ҳолатни эшитинг. XX асрнинг 60-йилларида вилоятда майдони жиҳатидан энг катта Пастдаргом туманида атиги 75 та мактаб бор эди. 1954 йилда бўлиб ўтган ўқитувчилар конференциясида халқ таълими бўлими мудири (марҳум) Ёқуб Йўлдошев ўз маърузасида 25 нафар олий маълумотли ўқитувчи борлигини алоҳида таъкидлаган эди.

Мустақилликнинг умид ғунчалари

тиб кетгани, қимтинибгина «Биз Ўзбекистондан келганмиз», деб айтганимиздан сўнг ормига қайтиб, гул бериб кетгани менга ниҳоятда қаттиқ таъсир қилган. Аслида ҳам, Ўзбекистондан борганлар орасида 3 нафар ўзбек йигити бор эди, холос. Демоксиманки, ўша пайтлари жаҳон мусобақаларига ўзбек йигит-қизларининг юборилиши кам учрайдиган ҳолат эди...

Биласизми, нега шундай эди? Чунки ўзбек боласи спорт билан шуғулланса, Марказнинг даромад манбаи бўлган пахта далаларида ким ишлайди? Илиги бутун, таг-томири бақувват ўзбек йигитидан ана шу тарих қора меҳнат учун фойдаланиб келинган.

Яна бир мисол. Ўша вақтларда туманимизда атиги 7 та спорт зали (эҳтимол, ҳозир уларни спорт зали деб айтиб бўлмас) бўлиб, улар ҳам, асосан, марказий ҳудудларда жойлашган эди. Қишлоқ мактабларини спорт жиҳозлари билан таъминлаш, шарт-шароитлар яратиш масаласини кўтарган одам балога қоларди.

Болаликдан ҳозиргача ўтган умрим таълим билан боғлиқ. Ҳар кунини невараларим мактабга шошаётганини кўриб, кўнглим қувончга тўлади. Биз-чи? Биз ҳам мактабга чопардик. Фақат обғимиз музлаб қолмаслиги, эртароқ бориб, ака-ука, опа-сингилдан қирқ ямоқ қалишни олиш учун мактабга яқинроқ пана жойга юғардик. Чунки тушликкача ўқиган яқинларимиз хилватроқ жойда пойабзалини қолдириб, уйга ялангоёқ қайтарди. Тор, қоронги, зах хоналарда илиқ нафасимизга бизни иситарди. Дарсликлар камёб. Болалар музлаб қолган сиёҳдонларни эритиб, пероли ручкада қўлига илинган қоғозга ёзарди.

1947 йилда биринчи марта юқори синфлар учун она тили дарслиги келганини эсламан. Ўшанда ҳамма дарсликни қўлига олиб, ҳайрат билан қараб тургани кўз олдимдан кетмайди. Ўқитувчиларнинг иш қуроли эса девордаги доска ва бўр эди, холос. Ҳозир-чи, 1-синфга ўқишга борадиган неварам инглиз тилини компьютерда овозли ва расмий кўришида ўрганади. Қизиқиб сўрайман: «Нима бу, қизим?». Қулади. «Шуни-ям билмайсизми? Бу — электрон қўлланма. Мана бундай фойдаланасиз. Келинг, сизга ҳам ўргатаман», дейди.

Ўтган йили мени туманимизда ўтказилган ўқитувчиларнинг анъанавий август кенгашларига таклиф

Ўша давр нуқтаи назаридан у кишининг олий маълумотли ўқитувчилар ҳақида фахр билан гапирганини тушуниш мумкин. Чунки мактабларда, асосан, 8-синфни тугатиб, олти ойлик курсни ўтаган ўқувчилар дарс берарди-да!

1976–1984 йиллари туман халқ таълими бўлимига раҳбарлик қилдим. Ана шу вақтда ҳам мактабларда дарс бераётган ўқитувчиларнинг 40 фоизи олий маълумотли эди. Ўтган асрнинг 80-йиллари бошида ҳозирги 69-мактаб қурилиши бошланганидан хурсанд бўлган қишлоқ аҳолиси ҳар кунини қурувчиларга чой-нон ташигани, оғир ишларда қўл меҳнати билан қўмаклашгани эсимда. Энг ёмони, мактаб қурилиши бошландию, турли вақоналар билан 10 йилдан кўпроқ вақт пойдевори тикланганича қолиб кетди. Мана сизга, собиқ иттифоқ ҳукуматининг мактаб таълимига эътибори, ғамхўрлиги! Юртимиз мустақилликка эришгач, мазкур мактаб биринчилар қаторида қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Шу аснода бир воқеа эсимга тушди. Кунларнинг бирида кўзида ёш билан бир онахон хонага кириб келди.

— Сиздан илтимос, мактаб директорига айтиб қўйсангиз. У «Ўлингни билим юртига (ўша даврларда СПТУ дейиларди) жўнатаман», деб пўписа қилаёпти. Ўғлимни отасиз ўстирдим. У ерга эса фақат безори болалар бораркан. Ёлғизгина болам жиноятчи бўлиб кетса, нима қиламан?

Ҳа, аслида ҳам ўрта таълимнинг кейинги босқичи ҳисобланган билим юртигага ўзлаштириш паст бўлган ўқувчилар мажбурий жўнатиларди. У ерда номигагина ўқиган болаларнинг келажаги раҳбарларни ҳеч қачон қизиқтирмаган. Ҳали замон ўзгаради, ҳаммаси изига тушиб кетади, деб мурожаат қилган онахонга таскин берганман. Бундай умидбахш гапларни ҳамма давраларда, ҳамма соҳа ходимларидан эшитар эдик. Бироқ буларнинг барчаси орзулигича қолаверарди.

Бугунги Ўзбекистонни илдири бақувват, улкан дарахтга қиёсламан. Чунки пойдевори инсонпарварликка қурилган юртининг буюк давлатга айланиши муқаррар. Унинг бақувват бўлиб ўсаётган соҳаларидаги ғунчалар фарзандларимизнинг турли соҳаларда эришяётган олашумул муваффақиятларидир.

Барот АМИРОВ

Пастдаргом тумани

Обод ва кўркам таълим муассасалари педагогларни фидойиликка, ўқувчиларни чуқур билим олишга ундаяпти

Хонобод — Наманганнинг тобора ободонлашиб бораётган қишлоқларидан бири. Яқинда фойдаланишга топширилган Ангрен-Поп темир йўли ёқасида жойлашган мазкур гўша кейинги йиллари барпо этилган инфратузилма иншоотлари туфайли янада кўркам қиёфа касб этмоқда. Айниқса, темир йўл бўйлаб қад ростлаган муҳташам маиший ва ишлаб чиқариш бинолари, вокзаллар, станциялар Хонободдаги бунёдкорлик ишларига бир мисолдир. Бу манзилда қад ростлаётган янги мактаб биноси эса қишлоқ кўрмига янада кўрк бағишламоқда.

Мактабга е'tibor — kelajakka e'tibor

Поп туманидаги 19-мактаб замонавий бинода жойлашган бўлса-да, икки сменада таълим-тарбия олаётган ўқувчилар учун торлиқ қилаётганди. Муассасада тадбир ёки учрашув ўтказиладиган кун болалар хонадаги машғулот тугашини кутиб ўтирар, ўқувчилар сонининг кўплиги, синфхоналар етишмаслиги анча ноқулайликлар туғдирарди. Жорий йилда ана шу қийинчиликлар барҳам топадиган бўлди. Инвестиция дастурига биноан Хонободда 19-мактаб филиали учун 240 ўринли ўқув биноси қурилмоқда. Айни пайтда янги илм қошонасида қурилиш-пардозлаш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Бу ерда ўқув биносидан ташқари 9х18 ҳажмли спорт зали ҳам янгидан бунёд этиляпти. Қолаверса, умумий ҳисобда 1 миллиард 539 миллион сўмлик бунёдкорлик юмушлари бажарилади. Ҳозиргача мазкур маблагнинг 83 фоизи ўзлаштирилиб, янги ўқув йили арафасида фойдаланишга топширилиши кўзланган таълим маскани биносини ўз вақтида сифатли қуриб битказиш учун бунёдкорлар бор қуч-ғайрати ва имкониятини сафарбар этишяпти.

Ўқув йилини янгича шарт-шароитда кутиб оладиган ўғил-қизларнинг билим олишга иштиёқи ҳам ўзгача бўлади. Жумладан, Тўрақўрғон туманидаги 55-умумтаълим мактаби ўқувчилари ҳам бу йил капитал таъмирланган ва барча қулайликлар яратилган мактаб биносига таълим олишади. Эътиборлиси, «Олимпик» кўп тармоқли хусусий қорхонаси қурувчилари ҳам қурилиш-пардозлаш ишларини сифатли яқунлашди. Айни кунларда мактаб ҳудудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, фан хоналарини давлат стандартлари асосида жиҳозлаш ишлари давом этмоқда.

— Қишлоғимиздаги энг йирик бино ҳисобланган мактабимиз эндиликда энг кўркам зиёхонага айланди, — дейди мактаб директори Иzzатулла Абдуллаев. — Инвестиция дастури асосида бажарилган қурилиш ишлари сифатидан мамнунмиз. Пластик эшик ва дераза ромлари, полига янги тахта ётқизилган синфхоналар ва спорт залида машғулот ўтадиган ўқувчиларнинг кайфияти чоғ бўлиши тайин. Энг қувончлиси, янги ўқув йили олдидан иккита компьютер синфига эга бўлди. Физика, кимё-биология фанлари лабораторияларидаги шарт-шароит, жиҳозларни кўриб кўз қувнайди. Бундай обод

масканларда болаларга таълим-тарбия бериш кўп йиллик орзумиз эди. Истиқолнинг 25 йиллик тўйи арафасида мактаб жамоасига бекаму-кўст шароит ва имкониятлар яратиб берилган педагогларни ҳам руҳлантириб, янада ғайрат ва шижоат билан ишлашга ундамоқда.

Шу тумандаги 42-мактаб ўқувчилари бундан 52 йил бурун қурилган бинода сабоқ олишарди. Соҳа мутахассислари эски мактаб биноси тузилишини ўрганиб, мукаммал қайта қурилиш ишлари амалга оширилиши лозимлигини таъкидлашди. Инвестиция дастурига кўра ушбу таълим муассасасини кўркам ҳолга келтириш учун 980 миллион сўм ажратилди. Айни чоғда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

— Кишининг совуқ кунлари жисмоний тарбия дарсларини бўш синфхоналарда ўтардик, — дейди муассаса директори Назира Йўлдошева. — Спорт ва мажлислар зали йўқлигидан тадбирлар уюштиришга қийналардик. Бу йил Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 12х24 ҳажмдаги спорт зали барпо этиш учун 1 миллиард 123 миллион сўм ажратилди.

Девори пишиқ, пойдевори мустаҳкам, ёруғ ва шинам иншоот қад кўтаришида маҳоратли қурувчиларнинг хизмати катта, албатта. Бу борада бунёдкорларнинг салоҳияти ва тажрибаси ҳам талабга жавоб бермоқда. Қурилиш бўйича иш юритувчи Шўҳрат Аҳмаджоновнинг айтишича, ўқув даргоҳларини таъмирлаш бошланган 2004 йилдан бундан бир неча мактаб биносини қуриш ва таъмирлаш ишларида қатнашган бунёдкорларнинг бу ердаги вазифаси ҳам деярли ниҳоясига етган.

Замонавий дизайн талаблари асосида пардоздан чиқарилган 340 ўринли ўқув биносигада иш сифати билан танишар эканмиз, мукаммал қайта қуриш туфайли тобора чирой оingan масканни янги умр бахш этилган зиёхонага қиёсладик. Мухими, вилоятда 21 та умумтаълим мактабида ана шундай бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Бунинг учун қарийб 19 миллиард 720 миллион сўм маблағ ажратилган. Зеро, бу саяёҳат қаракатлар замирида баркамол авлодининг ҳеч кимдан кам бўлмай улғайиши, замонавий имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда таълим олиши кўзда тутилган.

Ғанишер АҚБАРОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Yangiliklarda yurt nafasi



❖ **Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида «Сиз қонунни биласизми?» қўриқ-танловининг мамлакат босқичи ўтказилди.**

Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус таълим, Адлия вазирликлари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамкорлигида 1997 йилдан буён ўтказиб келинаётган ушбу танловга академик лицей ва касб-хунар коллежларининг 200 мингдан ортиқ ўқувчилари қамраб олинди. Танловнинг сўнгги босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри босқичларида ғолиб бўлган 14 жамоа иштирок этди.

Навоий вилоятининг «Юрида» жамоаси биринчи, Тошкент вилоятининг «Тараққиёт ёшлари» жамоаси иккинчи, Жиззах вилоятининг «Фемида» жамоаси учинчи ўринни эгаллади. Иштирокчилар «Энг фаол жамоа», «Энг намунали жамоа», «Энг ташаббускор жамоа», «Энг зукко жамоа», «Конституция билимдонлари жамоаси» каби ўндан зиёд номинациялар бўйича ҳам тақдирланди. Ғолиб жамоаларга эсдалик совғалари ва дипломлар топширилди.

Тадбир доирасида ёшларнинг Мустақиллик ва эзгулик монументи пойғида гул қўйиш маросими, Амир Темури хиббонига саёҳат ташкил этилди.

❖ **Тошкент шаҳридаги Инха университети ва «Huawei» компанияси ўзаро англашув тўғрисидаги меморандумни имзолади.**

— Компаниямиз 23 мамлакат олий ўқув юртиларида иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш лойиҳаларини амалга ошириб келмоқда, — дейди «Huawei Tech. Investment Tashkent» хорижий корхонаси масъулияти чекланган жамияти бош директори Ван Пэн. — Тошкентда Инха университети таълим ташкил этилган самарасида ҳамкорларимиз сафи янада кенгайганидан хурсандимиз. Зеро, истеъдодли ёшларга қўмаклашиш келажакка ҳисса қўйиш демокдир.

«Huawei» компанияси меморандум доирасида тўрт йил давомида Тошкентдаги Инха университети бакалаврият босқичининг иқтидорли беш талабасига грант тақдим этди. Талабалар кириш имтиҳонлари ва инглиз тилида ишро этиш натижаларига асосан танлаб олинади. Номзодлар сўнгги босқичда «Huawei» компанияси мутахассислари ва университет ўқитувчиларидан иборат махсус комиссия сўхбатидан ўтади. Шунингдек, ҳамкорлик доирасида университет талабалари учун махсус IT-курслар, IT-лабораториялар ташкил этиш ҳамда талабаларга бизнес режаларни амалга оширишга қўмаклашиш режалаштирилмоқда.

❖ **Бўстонлик туманидаги «Камолот» ёшлар оромгоҳида ёш журналистлар учун медиа-тренинг ўтказилди.**

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган медиа-тренингда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати тизимидаги янгиларни ёритишда ўз иқтидорини намоиш этаётган матбуот хизмати вакиллари, хаваскор ижодкорлар ҳамда тажрибали журналистлар иштирок этди.

Медиа-тренинг давомида телевидение, матбуот, интернет-журналистика, фотожурналистика йўналишлари бўйича ўтказилган амалий машғулот ва семинарларда ёшлар фаол иштирок этиб, маҳоратини оширди.

— Бу йўналишдаги тадбирда биринчи мартаба иштирок этмоқдаман, — дейди ёш журналист Ҳамида Усмонова. — Уч кун давомида телевидение йўналишида тажрибали устозлардан кўп нарса ўргандим. Менга, айниқса, «Тасвирга олиш давомида аудиторияда самимий муҳитни яратиш», «Интервью жараёнида сўхбатдошнинг ўзини эркин тугиши учун нималарга аҳамият қаратиш лозим?» мавзуларидаги маърузалар жуда ёқди.

Тадбир якунида медиа-тренинг иштирокчиларига сертификат ва эсдалик совғалари топширилди.

❖ **Пойтахтимизда «Мустақилликка менинг ҳиссам» шiori остида «Ишбилармон ўқувчи — 2016» стипендияси учун қўриқ-танловнинг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.**

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг Тошкент шаҳар кенгаши томонидан мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб ишбилармон ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилган танловда туман ва шаҳар босқичларида юқори ўринларни қўлга киритган коллеж ва академик лицейларнинг 30 нафар ўқувчиси қатнашди.

Танловда ёшлар ўзлари тайёрлаган махсулотлар кўргазмасини намоиш этиб, бизнес лойиҳалари тақдимотини ўтказди. Уларнинг юртимизда яратилган қўлай ишбилармонлик муҳити, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ислохотларга оид билимлари сўхбат ва савол-жавоблар орқали аниқланди.

— Қўриқ-танловда кулолчилик йўналишида яратган махсулотларим билан иштирок этаётгирман, — дейди танлов иштирокчиси Шохсанам Раҳимова. — Келгусида кулолчилик ва миллий каштачиликни ўзида уйғунлаштирган амалий санъат намуналари яратиш ниятиданаман. Биз, ёшларнинг жамиятда муносиб ўрин топишимиз, қобилиятимизни намоён этишимиз учун яратилаётган бундай имкониятлар янада кўпроқ изланишга ундайди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.

Кун тартибида маънавий-тарбиявий масалалар

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлини маси ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси томонидан «Умумий ўрта таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни такомиллаштириш масалалари» мавзусида семинар ташкил этилди.

Тадбир иштирокчилари умумтаълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни ўрганиш юзасидан ташкил этилган мониторинг натижалари билан таништирилди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилиб, фойдаланилмаган имкониятларни ишга солиш юзасидан тақлифлар билдирилди.

Ўзбекистон Республикасида 2016 йилда

ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастурининг 13-бандида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, хусусан, умумтаълим муассасалари ўқувчилари ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, бу йўналишда олиб борилган ишлар, мавжуд камчилик ва фойдаланилмаган имкониятларни ишга солиш масалалари муҳокама қилинди.

Таълим муассасаларида айрим қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш масаласида конструктив мулоқот бўлиб ўтди.

Аслат АХМАДҚУЛОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Китоблар оламига саёҳат

Китоб инсоннинг ақлий ривожланиши ва маънавий камолотига ёрдам берувчи, илм дурдоналарини авлодларга етказувчи, ўтмишни бугун ва эртанги кун билан боғловчи маънавий бойлиқдир. Билим манбаи бўлган китобни севиш ва уни қўл билан мутулаа қилиш инсон маънавиятини бойлатади.

Ахборот-ресурс маркази-миз ходимлари ўғил-қизларни китобхонликка жалб этиш мақсадида турли тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириб келмоқда. Яқинда ўтказилган тадбир ҳам китобсевар ўғил-қизларда катта таассурот қолдирди. Тумандаги 317-умумтаълим мактабиди ташкил этилган кундузги оромгоҳ тарбияланувчилари марказга саёҳат уюштиришди. Ўқувчиларнинг ёзги таътил

даврлари мазмунли ташкил этиш чора-тадбирлари доирасида ташкил этилган тадбирда ўғил-қизлар ёзги таътил давомида мутулаа қилаётган адабиётлари ҳақида сўз юритиб, ўзаро фикр алмашди. Бахру-байтда айтилган шеър-газаллар иштирокчиларга жўшқинлик бағишлади.

— Оиламизда барча китоб ўқишга қизиқади, — дейди 317-мактаб ўқитувчиси Саодат Акмалбекова. — Ёзги таътил-

да Алишер Навоийнинг «Хамса»сини мутулаа қилаёғимиз. «Фарход ва Ширин» достонини ўқиб тугатдим. Ҳозир «Лайли ва Мажнун»ни ўқияман. Навоий бобомиз асарларини ўқиганим бугунги тадбирда асқотди. Интеллектуал беллашувда кўплаб саволлар Алишер Навоий иходи ҳақида экан. Тенгдошларимнинг ўқиган адабиётлари ҳақидаги фикрлари ҳам менга манзур бўлди.

Тадбирда фаол ўқувчилар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Матлуба ЭШМЕТОВА,
Сергеи тумани АРМ
ходими

«Офтобой»нинг соя-салқин жойлари

Яшнобод туманидаги 153-умумтаълим мактаби қошида ташкил этилган «Офтобой» кундузги оромгоҳига 109 нафар бола жалб қилинган.

Соғломлаштириш масканида стол тенниси, шашка, шахмат, бадий гимнастика, тўқувчилик, тикувчилик, инглиз тили, компьютер саводхонлиги тўғрисидаги фаолият йўлга қўйилган. Ўқувчилар ўртасида ўтказилаётган спорт мусобақалари ва интеллектуал беллашувлар ўғил-қизларга унутилмас таассуротларни ҳада этмоқда.

Оромгоҳ тарбияланувчилари тўғрарак машғулотларидан сўнг табиат қўйнига ва пойтахтимизнинг диққатга сазовор масканларига са-

ёҳат уюштириб, ёзги таътилни мароқли ўтказмоқда. Тўғрарак раҳбарлари ҳар бир машғулотни қизиқарли ва фойдали ўтказишга астойдил ҳаракат қилмоқда. Таълим муассасасида яратилган шарт-шароитлардан ота-оналар ҳам мамнун.

— Ўғлимиз Иброҳимни қайси оромгоҳга олиб борсак экан, дея анча ўйландик. Мактабда кундузги оромгоҳ фаолияти юритишнинг эшитиб жуда хурсанд бўлдик. Ташкил этилган соғломлаштириш майдончасида болаларнинг ҳордиқ чикариши учун барча имконият мавжуд, — дейди Наргиза Сафарова.

Кибора АБИЛОВА,
мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Бўш вақт мазмунли ўтмоқда

Навоий вилоятида ёшларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш, уларни таълимдан ташқари тўғрарак машғулотларига жалб этиш, касб-хунарга йўналтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.



«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Нурота туман кенгаши қошида ташкил этилган тўғрарак машғулотларида ҳам ўқувчи-ёшлар бўш вақтдан унмил фойдаланиб, маҳорат сабоқларини ўтамоқда. Дизайнер-тикувчилик тўғрарак, айниқса, қизлар билан гавжум. Гулбаҳор Тўрақулова раҳбарлигида тикувчилик сир-асрорларини ўрганаётган қизлар айни пайтда «25 йилликка 25 либос билан» мавзусидаги кўргазмага тайёргарлик кўрмоқда.

Сирож АСЛОНОВ (ЎЗА)
олган сурат.

2016-yil 23-iyul, № 59 (8916)

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Аризалар сонининг йилдан йилга ошишига эътибор қаратсак, 2013 йили аризалар сони 480446 тани ташкил этган ва бир ўринга 8,4 нафар абитуриент тўғри келган бўлса, 2014 йили олий ўқув юртларига 543155 нафар абитуриент ҳужжат топшириб, бир ўринга 9,3 нафар талабгор тўғри келган. Ўтган йили эса 605836 нафар абитуриент тест синовида иштирок этиш истагини билдирган эди. Жорий йилда ўтган йилга нисбатан олий ўқув юртларига ҳужжат топширган абитуриентлар сони 57462 нафарга ошганини кuzатиш мумкин. Бу ҳолат абитуриентлардан синов майдонида зукколиги ва билимдонлигини тўлиқ ишга солишни талаб этади.

— Педагогика олий таълим муассасаларига қанча абитуриентдан ҳужжат қабул қилинди?

— Бугунги кунда Халқ таълими вазирлиги тасарруфидида турта педагогика институти фаолият кўрсатмоқда. Булар — Қўқон, Жиззах, Нукус ва Навоий давлат педагогика институтлари ҳисобланади. Мазкур педагогика институтларига талаба бўлиш орсидидаги 68839 нафар абитуриент ҳужжат топширган. Шу жумладан, жорий йилда Жиззах давлат педагогика институтига 25879 нафар абитуриент ҳужжат топширган ва бу бир ўринга ўртача 15,3 нафардан абитуриент тўғри келганини билдиради.

Агар педагогика институтларининг таълим йўналишларига нисбатан абитуриентлар сонини қабул квотаси бўйича таҳлил этсак, ўқувчи-ёшларимизнинг педагогика ва психология, бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш, мактабгача таълим йўналишларига қизиқиши ошганини кuzатиш мумкин. Жиззах давлат педагогика институтининг педаго-

гика ва психология таълим йўналишига бир ўринга 27,5 нафар, Қўқон давлат педагогика институтининг бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш таълим йўналишига бир ўринга 25,7 нафар абитуриент тўғри келган.

— Таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда бугунги ёшлар қайси мутахассисликларга кўпроқ қизиқиш билдирмоқда?

— Олий ўқув юртларига ажратилган қабул квотасига нисбатан абитуриентлар сонини солиштирсак, жорий йилда бир ўринга 11,5 нафар талабгор тўғри келганини кuzатиш

лат педагогика университетида танлов бир ўринга 19,15 нафарни ташкил этган ҳолда, меҳнат таълими йўналишида 70 нафар, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида ўртача танлов 11,10 ни ташкил этган ҳолда, корпоратив бошқарув таълим йўналишида танлов бир ўринга 26,2 нафардан иборат.

Тошкент тиббиёт академияси Фаргона филиалида бир ўринга 24,83 нафар абитуриент, шу жумладан, касб таълими: тиббий педагогик иш таълим йўналишида бир ўринга 34,5; Самарқанд тиббиёт институтида ўртача тан-

ларига қизиқиш ва талаб қандай бўлди?

— 2016-2017 ўқув йилидан бошлаб қатор олий ўқув юртларида 18 та янги таълим йўналишига талабалар қабули режалаштирилган. Янги таълим йўналишларига абитуриентларнинг ҳужжат топширишларига эътибор қаратсак, қабул квотасига нисбатан ҳар бир ўринга:

Тошкент давлат техника университетида интеллектуал муҳандислик тизимлари таълим йўналишига 12,2 нафар, лазер технологиялари ва оптоэлектроника йўналишига 10,3 ва қуймакорлик техно-

Давлат тест маркази вақиллари сифатида иштирок этиши белгиланган 5725 нафар номзод учун тест синови ўтказиш тартиби тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида амалий семинар машғулоти ташкил этилди. Бундан ташқари, аудитория раҳбари ва кузатувчи сифатида иштирок этадиган 127 мингдан ортиқ номзод педагог ходимлар учун амалий семинар машғулоти ўтказилди.

Мазкур тадбирларни сифатли ўтказиш ҳамда юқори тайёргарликка эришиш мақсадида тест синови тартибига бағишланган ўзбек ва рус тилларида ўқув видеофильми, презентациялар, кўргазмалар куруллар тайёрланди ва жойларга етказилди.

— Абитуриентларга тилакларингиз.

— Айтиш мумкинки, юртимизда ўқувчи-ёшларнинг билим олиши, ўқиши олий таълим муассасаларида давом эттириши учун жуда катта имкониятлар яратилган. Бундан йигит-қизлар самарали фойдаланишлари лозим.

Шу ўринда бир фикрни алоҳида таъкидлаб ўтишни ўринли деб биламиз, яъни абитуриентларимиз 1 август кунини ўзлари билан шахсини тасдиқлайдиган ҳужжати (паспорти) ва ҳужжат топширган олий ўқув юрти томонидан тақдим этилган "абитуриент рухсатнома"сини олиб келишлари шарт. Абитуриент нафақат аудиторияга, балки бинога киришда ўзи билан бундан ортиқча нарска олиб кирса, тест синовлари тартибини бузган бўлади ва жараёндан четлатилади. Умуман, ҳар бир абитуриентга билимингизни намоён этинг, талабалик бахтига мушарраф бўлинг, деб қоламиз.

Қурбонбой
МАТКУРБОНОВ
суҳбатлашди.

Талабалик бахтига мушарраф бўлинг

мумкин. Ушбу кўрсаткичдан англаш мумкинки, ёшларимизнинг олий маълумотли бўлишга қизиқишлари тобора ошиб бормоқда. Абитуриентларимиздан келиб тушган аризаларни вазирлик, идоралар ва соҳалар, олий ўқув юртлари ҳамда таълим йўналишларига нисбатан таҳлил этганимизда, куйидаги кўрсаткичлар эътиборни ўзига тортади:

Жумладан, Фаргона давлат университетида ўртача танлов 17,37 нафарни ташкил этган, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бир ўринга ўртача 65,3 нафар; Термиз давлат университетида бир ўринга 20,01 нафар абитуриент, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналишига бир ўринга 54,8 нафар, мева-сабзавотчилик ва узумчилик йўналишига 50,6 нафарни ташкил этади; Тошкент дав-

лов 10,13 нафарни ташкил этган ҳолда, тиббий профилактика иши таълим йўналишида бир ўринга 18,5; Тошкент давлат стоматология институтининг Андижон филиалида ўртача танлов 17,43 нафарни ташкил этган ва стоматология (йўналишлар бўйича) таълим йўналишида 20,7 нафарга тўғри келган.

Навоий давлат қончилик институтида ўртача танлов 17,17 нафарни (металлургия таълим йўналишида 24,0 нафар); Самарқанд қишлоқ ҳўжалиги институтида ўртача танлов 10,38 нафарни (касб таълими: агрономия таълим йўналишида 21); Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалида танлов бир ўринга 12,16 нафарни (ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг касб таълими йўналишида 24,4) ташкил этган.

— Жорий йилда янги очилган таълим йўналиш-

логиялари ҳамда меҳатроника ва робототехника таълим йўналишига 9,8 нафар; Тошкент кимё-технология институтининг резинотехника бўлимлари ишлаб чиқариш технологияси таълим йўналишига 10,1 нафар; Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ўзбек-инглиз таржима назарияси ва амалиёти таълим йўналишига 19 нафар; Андижон қишлоқ ҳўжалиги институтининг ўрмончилик ва ўрмон мелiorацияси таълим йўналишига 21,4 нафар абитуриент тўғри келди.

— 1 август — тест синовлари кунини. Жараёнга қандай ҳозирлик кўрилаяпти?

— Барча олий ўқув юртларида тест синовларини ўтказиш учун бино, қават ва аудиториялар етарли равишда тайёрланди. Шу билан бирга, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тасвиясига кўра,

Энг яхши ишчи касб эгалари аниқланди

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, замонавий касб-хўналарни пухта эгаллашлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш борасида амалга оширилаётган ишлар юксак самаралар бермоқда.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ташаббуси билан ўрта махсус, касб-хўна таълими маркази ҳамкорлигида бу йил илк бор Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб "Ёш ишчи кадрларни тайёрлашга ва уларнинг малака-

сини оширишга кўмаклашиш" лойиҳаси доирасида ўтказилган "Энг яхши ишчи касб эгаси" танлови якунларига бағишланган матбуот анжуманида бу фикрлар алоҳида таъкидланди.

Матбуот анжуманида Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кен-

гаши раиси ўринбосари Б.Маҳаммад-лиев "Энг яхши ишчи касб эгаси" танлови якунлари ҳақида тўхталиб, Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ёшларни қўллаб-қувватлашга оид эзгу ишларда муҳим дастуриламал бўлаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ёшлар, хусусан, касб-хўна коллежи битирувчиларининг бандлигини, уларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш, ихтимоий химоялашга оид қўллаб-қувватлаш ҳаётга муваффақиятли татбиқ этмоқда. Республикада илк марта ўтказилган "Энг яхши ишчи касб эгаси" танлови бунга ёрдам берди.

"Ўзгал ва бетақдоримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистони!" шиори остида ўтган танловнинг республика босқичида 84 нафар ёш қатнашди.

"Пайвандлаш ишлари (механик) техниги" номинацияси бўйича биринчи ўринни "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик жамияти газ-электр пайвандчиси Артём Охлоков, "Қишлоқ ҳўжалиги машина ва жиҳозларига хизмат кўрсатиш механизми" номинацияси бўйича биринчи

ўринни Денов туманидаги Ҳазорбоғ қишлоқ ҳўжалиги касб-хўна коллежи битирувчиси Шамсиддин Мағатов, "Курилиш-пардозлаш ишлари устаси" номинацияси бўйича биринчи ўринни Хонқа туманидаги қурилиш касб-хўна коллежининг 3-босқич ўқувчиси Руслан Абдураимов, "Умумқурилиш ишлари устаси" номинациясида биринчи ўринни Термиз архитектура ва қурилиш касб-хўна коллежининг 3-босқич ўқувчиси Ойбек Содиков эгаллади.

"Тикув ва тикув буюмлари ишлаб чиқариш техник-технологии" номинациясида Навбахор туманидаги енгил саноат касб-хўна коллежи ўқувчиси Диёра Қаҳқоров, "Ошпаз" йўналишида Наманган вилоятидаги "Замин элегант савдо сервис" масъулияти чекланган жамияти ошпази Толибжон Абдуллаев, "Сартарошлик ва декоратив косметика устаси" номинациясида Ўрганг шаҳридаги машиий хизмат касб-хўна коллежи ўқувчиси Мадина Қадамбоева биринчи ўринни қўлга киритди. Ғолиблар жорий йилнинг 24 августидан бўлиб ўтадиган "Ёш мутахассислар" республика форумида иштирок этади.

Матбуот анжуманида танлов ғолиб ва совриндорларига диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

А.ЖУМАМУРОВО



Вақт тушунчалари

махсус мактабда қандай ўргатилади?

Махсус мактабда болани бево-сита вақтни қадрлашга ўргатиш муҳим. Вақтни қадрлаш қандай ўргатилади? Уни ўлчайдиган усуллар қўл келадими?

Эшитмайдиган боланинг оғзаки нутқи чекланган. У мактабга таърибаси йўқ. Аммо унинг вақт ҳақидаги тасав-ури ҳаётда содир бўладиган воқеа-ҳодисалар билан боғлиқ ҳолда шакл-ланиб бориши мумкин. Бўлиб ўтган воқеаларни умумий тасавури орқали бола «бўлган эди» ибораси билан бир-лаштиради. Рўй бериши мумкин бўлган ҳодисаларни эса тарбияланув-чи вақтга нисбатан ифодалай олмайд.



Maxsus ta'lim

Бола сутканинг қис-млари ҳақида тасавурига эга бўлса-да, эрталаб ва кундузи, оқшом ва тунни фарқлашга қийналади.

Вақт мавзусини ўрганишдаги қийинчилик ўлчов бирликларининг ўзига ҳос хусусиятлари билан ҳам боғ-лик: вақт — текзор, уни тўқтатиб ёки орқага қайтариб бўлмайди, унинг аниқ кўриш мумкин бўлган шакллари йўқ.

Махсус мактаб-интернатнинг тайёр-лов синфидида аввал ўлчов бирликлари, 4-синфда ўлчовлар тизими ўр-ганилади. Математик машқлар бажариш жараёнида боланинг вақт ҳақидаги та-савури шаклланади. Бошқа ўқув предмети ва синфдан ташқари ишлар-да вақт тушунчасини шакллантиришга эътибор қаратиш керак. Мавзунинг ўргатиш методикаси ўқувчиларнинг амалий фаолиятига асосланиши ло-зим. Дастлаб тақвим тутиш жараёни-да боланинг «кеча, бугун, эртага» ту-шунчалари ҳақидаги тасавури аниқ-лаштириш керак.

2-ўқув ҳафтасидан бошлаб ўқувчи синфдошлари исмини билиб олгач, навбатчи тақвими юритилади. У уч қисмга бўлинади: «Кеча», «Бугун», «Эр-тага». Хар кун боланинг исми ёзил-ган картончани махсус жойга ўрнатиш. Дастлаб уни ўқитувчи тўлдирди. Ок-тябрь ойидан бошлаб ўқувчилар бу ишни мустақил равишда бажаришга ўтади. Ўқувчи бу жараёнда «кеча» бўлиб ўтганини, «бугун» — ҳозир экан-ини, «эртага» — ҳали энди бўлиши-ни билиб олади. Болалар «Бугун ким навбатчи? Кеча ким бўлган? Эртага ким навбатчи бўлади?» каби саволларга жавоб беришга ўрганади. Бир пайт-нинг ўзида об-ҳаво тақвими ҳам ту-тиш мумкин. Бу ўрганилаётган тушун-чаларнинг табиат ҳодисалари билан боғлиқ эканини англашга ёрдам бе-ради.

2-ярим йилликда ўқувчиларнинг ҳафта кунлари билан танишиши учун навбатчилик тартибини қуйдагича акс эттириш мумкин:

Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Шанба	Якшанба
Рустам	Умида	Зафар	Даврон	Жамол	Олим	

Дастлаб ўқитувчи хабар беради: «Бугун душанба, Рустам — навбатчи», шундан сўнг у навбатчи тақвими-ни тўлдирди. Кейинроқ болалар ҳафта кунлари ва навбатчини айта бошлай-дилар, яъни «Бугун қайси кун? Ким бугун навбатчи?» саволларига жавоб тайёр.

«Кеча» ва «эртага» тушунчалари ҳам ҳафта кунлари билан боғланади. Ўқитувчи биринчи дарсда ҳафта ку-нини аниқлаб, кеча қайси кун бўлган-и ва унда ким навбатчилик қилгани-ни сўрайди. Кейинги дарсда эса худ-ди шу савол эртанги кунга нисбатан берилади.

Ўқув йили якунида умумлаштирув-чи дарсни режалаштириш мақсадга мувофиқ. Таниш иборалар орасига «ҳафта» сўзи қўшиб қўйилади: «Бугун ҳафтанинг қайси кунин? Эртага қайси кун?» ва ҳоказо. Дастур талабига кўра, болалар ҳафта кунлари номи ва тар-

тибини билишлари лозим. Ўқитувчи саволни доскага ёзади: «Ҳафта кун-ларини айтинг», «Ҳафтада неча кун бор?», «Ҳафтада етти кун бор». Оғза-ки материални ўзлаштириш осон эмас ва бу ўқитувчидан алоҳида эътибор-ни талаб этади.

1-синфда ўқитувчи сутканинг қисм-лари юзасидан ўқувчиларда тасаву-р ҳосил қилиш учун унинг фаолияти билан боғлиқ савол-жавобларни тез-тез ташкил этиши зарур. Болалар-нинг кун тартибига доир савол-жа-вобда «кун» тушунчаси шаклланади: «Эрталаб нима қиласан?», «Тушда нима билан шугул-ланасан?», «Оқшом пайти-чи?». Синф-хона: «Биз ўқий-миз», «Тушлик қиламиз», «Сайрга чи-қамиз» ёзуви акс этган расмлар бил-лан жиҳозланса, ўқувчининг тасаву-ри янада кенгайди.

Ўқув йили давомида «ой» ва «йил» тушунчаларини ўрганиш эътибордан четда қолмаслиги керак. Болага ой-лар номини таништириш, йил фасл-лари ҳақидаги тасавуруларини оидин-лаштириб, тизим кўринишига келти-риш қийин эмас. Болалар йил яку-нига келиб, ойлар тартиби ва кунлар сонини билиб олади.

4-чоракда умумлаштирувчи дарс ўтказилиб, боланинг ой номлари ва тартиби, ҳар бир ойда неча кун борлиги ҳақидаги билими текширилади. Айниқса, би-ринчи ой — январь ҳақидаги тасавури аниқлаштириш зарур. Чунки 1-синф ўқувчиларида кўпинча йил боши-ни ўқув йилининг боши билан боғлашдек нотў-ғри тушунча мавжуд. Бу-тун синф билан ой номла-ри айтиб чиқилгач, 1 йил 12 ойдан иборат эканлиги тушун-тирилади. Ўқитувчи апрель, июнь, сентябрь, ноябрь ойлари 30 кундан эканлигини ўқтиради. Айнан шу мав-зуда савол-топшириқ ишлаб чиқиш-га қуйдагича ёндашиш мумкин: «Йил ойлари номини айт!» «Йилда неча ой бор?» «Йилнинг биринчи ойи қайси?» «Йилнинг сўнгги ойи қайси?». Мустақамлашда ойлар тартибини аниқлашга доир машқ бажариш му-ҳим аҳамият касб этади. Масалан, «Февраль нечанчи ой?» Тартибига қараб, ой номи аниқланади. 2-синф-да «Йил» тушунчаси устида кенгрок ишлаш керак. Болалар жорий йил-ни, ўзлари таваллуд топган санани, дўстининг туғилган кунин, йилини би-лиши керак. 4-синфда эса бир йил-



да неча кун борлигини билиш талаб қилинади.

Кар ва заиф эшитувчи боланинг эшитиш, ахборотни қабул қилиш ва ҳис этиш имкониятлари чекланган. Аммо махсус мактаб-интернат педа-гог-мураббийлари сабр-тоқат билан тарбияланувчининг мавжуд имкония-тидан фойдаланиб, уни мустақил ҳаётга тайёрлаб боради. Таъкидлаб ўтганимиздек, эшитишида нуқсон-ни бўлган боланинг вақт ҳақидаги тасав-урини шакллантириш педагогини тур-ли методикалардан фойдаланишга ундайди. Биз тавсия этган педагогик технология махсус мактаб-интернат-ларда қўллansa, заиф эшитувчи бо-лаларнинг вақт ва унинг ўлчов би-рликлари ҳақидаги тушунчасини шакл-лантириш осон кечади.

Д.ЁКУБЖОНОВА,
Низомий номидаги ТДПУ катта ўқитувчиси



Boshlang'ich ta'lim fidoyilari

Шу йил 13–14 июль кунлари «Бошланг'ич таълимни модернизация-лаш орқали ўқув-тарбия жараёни сифати ва самарадорлигини ошириш» мавзусидаги бошланг'ич таълим ўқитувчилари форумида иштирок эт-дим. Тадбирда тажрибали профессор-ўқитувчилар ҳамда дарслик му-аллифлари билан юзма-юз мулоқотда бўлдик. Илғор ҳамкасбларимиз томонидан ўтказилган маҳорат дарсларида қизиқарли ўйин технологи-яларини ўзлаштирдик. Қувонарлиси, форум материаллари тўпламининг менинг тажрибам ҳам ўрин олади. Айни пайтда у ерда ўрганганларимиз-ни ҳамкасбларим билан ўртоқлашяпман. Куйида ўз методларимдан би-рини янада такомиллаштирган ҳолда газетхонлар эътиборига ҳавола этапман.

Қарс икки қўлдан чиқади

ёхуд ўқитувчи ва ота-она ҳамкорлигининг ўқувчи ўзлаштиришига таъсири хусусида

Тажрибамда намунали ўқувчилар-нинг ота-оналари доимо фаол, кун-да-кунора фарзандининг ўқиши, ҳул-қи билан қизиши, мажлисларга вақ-тида келишини кузатаман. Бирок фар-занди яхши ўзлаштира олмаслигига ўқитувчини айбдор санайдиган айрим ота-оналар мактаб билан ҳамкорлик масаласида анча суст. Бу ҳолатни қан-дай яхшилаш мумкин?

Яқинда рус педагоги, математик Шаталов методикаси билан танишиб қикдим. Манбада у ўқитган ўқувчилар-нинг 98 фоизи олий ўқув юртига ки-риши, бунинг учун кундузи ўқувчи-ларни, кечкурун ота-оналарни ўқитгани айтилган эди. Де-мак, ота-оналар билан мустақам ҳамкорлик ўқувчининг ўзлашти-ришига катта таъсир кўрсатади. Тадбир-амда шу жиҳатга алоҳи-да эътибор қаратиб, 3 нафар паст ўзлашти-рувчи ўқувчимнинг ота-оналари билан машғул-отлар ташкил этдим. Улар дарсдан кейин келиб, турли масала-мисол ечиб кўрдилар,

расм чиздилар, ҳикоя, эртакни ижо-дий давом эттирдилар. Фарзандлари билан уйда қай йўсинда ишлаш бўйи-ча йўл-йўриқ бердим. Натижада ўқув-чим Холчабонунинг ўзлаштириш кўрсаткичи 60 фоиздан 75 фоизга, Қиличбекники 65 фоиздан 80 фоиз-га, Хуршидбекники 65 фоиздан 85 фоизга кўтарилди.

Сўнг барча ота-оналар иштирокида тренинглар ўтказдим. Масалан, 1-синф ўқувчиларининг ота-оналари би-лан «Келинг, танишайлик» машғу-лотини ташкил этдим. Машғулоти айни август ойига режалаштирилди. Аввал синф тайёрланиб, доскага «Оила — Ватан ичра кичик Ватандир» шиори ёзилади. Ота-онанинг фарзанд олди-даги бурчлари плакатга қайд қилина-ди. Ота-оналарни туғилган фаслига қараб (қиш, баҳор, ёз, куз) 4 гуруҳга бўлидим. Тренингнинг 1-«Назоратчи ҳарф» шартида ота-оналарга ҳарфлар тарқатдим. Масалан, 1-гуруҳга «Н» ҳарфи, 2-гуруҳга «Л» ҳарфи, 3-гуруҳ-га «М» ҳарфи, 4-гуруҳга «И» ҳарфини бердим. Ота-оналар аввал шу ҳарф билан бошланувчи матн ёки ҳикоя ту-зишлари керак эди. 1-гуруҳ аъзолари қуйдагича тақдирот ўтказишди:

Наврўз байрами

Наврўз янгилини, яшариш айё-ми, энг сеvimли миллий байрами-миз. Наврўзда кўплаб савобли иш-лар қилинади, миллий таомлар пи-ширилади.

2-гуруҳ «Лайлаклар» матнини яра-тишди:

Лайлаклар — табиатин беозор қушлар ҳисобланиб, камёб бўлган учун «Қизил китоб»га киритилган. Ривоятларга кўра, унинг инини бу-зиш, овлаш, озор бериш мумкин эмас.

3-гуруҳ «Ин» ҳикоясини, 4-гуруҳ «Мактабимиз — фахримиз» матнини ўқиб берди.

2-шартда ота-оналар битта ҳарф билан бошланадиган сўзлардан гап-лар тузди: 1-гуруҳ — «Нодирбек нов-вой нонларини «Наврўз» деб номла-ди». 2-гуруҳ — «Қурбақа қур-қур қила-вериб кўрқитади, қаерда қачон қурил-ласа, қойил қолдиради, қанча қийнал-манг, қуриллайверади. Қойил!». 3-гуруҳ — «Қалин қор қопланган қирда Қобил, Қосим қўйларни қидириди. Қирда қўйларни қидириш қийинлаш-ди». 4-гуруҳ — «Менга мактабимизда-ги муаллимлар машғулотларининг мазмунини маълум».

3-шартда ота-оналар «Ўқитувчининг обрўси ота-она томонидан тўқилиши-га қандай қарайсиз?», «Фарзандингиз уйга «устозим мени уришди», деб бор-ди. Қандай йўл тутасиз?», «Болангиз-га охириги марта олиб берган кито-бингизнинг номи нима? Болангизга қайси эртакларини сўзлаб берасиз?», «Фараз қайлайлик, ўқитувчи ўрнида бўлиб қолдингиз. Бир неча марта дарс тайёрламай келган ўқувчи билан қан-дай иш олиб борасиз?» каби савол қарточкаларини тўлдирди. Ўтган ўқув йили аввалида шундай иш бош-лаганим учун ота-оналар яқин ҳамко-рим — ёрдамчимга айланишди. Хар чорак охирида бундай тренинг маш-ғулотларини ўтказиш одат тусига ай-ланди. Аввалига ийманиб турган ота-оналар бироздан сўнг фаол иштирок-чиларга айланди. Тренинг машғул-отларини янги-янги шартлар ўқувчилар-нинг уйда дарс тайёрлаши, ота-она муносабатлари тўғрисидаги саҳна кўринишлари билан бойитиб бордим.

Бундан ташқари, биринчи ярим йил-лик, йиллик рейтинг натижаларига кўра барча фанлардан фақат аълога ўзлаштирган ўқувчилар ота-оналари-нинг фотосуратлари «Улардан ўртак олинг!» фотостендидан жой олади. Ота-онасини ҳурмат стендига қиқариш учун ўқувчиларим ўқув йили давоми-да астойдил ҳаракат қиладилар. Ота-она билан суҳбат аввалида фарзанди-нинг бирор яхши фазилатини топиб, айтишга одатландим. Ана шунда у сиз-нинг барча фикрларингизни жон деб тинглайди.

Таътил кунлари ҳам ўқувчиларнинг бўш вақтини қўнғилий ташкил этиш учун музей, театр, кутубхоналарга экс-курсия уюштирдик. Таътил сўнггида ўқувчилар бажарган ишни текшириб, ота-онасининг қанчалик ёрдам берган-ига қараб, «Энг эътиборли ота-она» номинациясини ташкил этидим. Голиб ота-оналарни ҳомийлар кўмагида тақ-дирлади. Ота-оналар «Бу йил ҳам таъ-тил режасини берасизми?» дея тез-тез сўрашади.

Баъзи ҳамкасбларим «Сизнинг ўқув-чиларингизнинг ота-оналари бирам яхши, меннинг синфимда ундай эмас» дейишди. Уларга «Ундай эмас. Ота-онани йўналтирувчи калит сизнинг қўлингизда. Уни тўри буранг, шунда ҳамма эшиклар очилади!» дейман.

Хулқарой ҚОСИМОВА,
Балиқчи туманидаги
2-мактабнинг бошланг'ич синф ўқитувчиси

2016-yil 23-iyul, № 59 (8916)

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор юксак самара бермоқда. Бу борада олиб борилаётган ислохотлар натижасида ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдаги кўрсаткичдан жорий йилгача 1,8 баробар (31 фоиздан 2015 йилда 56,7 фоизга етди) ошди. Аҳамиятлиси, иш билан банд жами аҳолининг 77 фоиздан ортиги мазкур тармоқда меҳнат қилиб, пешона тери билан нафақат оиласини боқаяпти, балки мамлакатимиз тараққиётига ҳисса қўшмоқда.

Шуниси қувонарлики, бугун тадбиркорлар орасида касб-хунар коллежини би-тириб, ўз бизнесини ташкил қилган ёшлар сони йилдан йилга ошиб бормоқда. Марказий банк, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Савдо-саноат палатаси ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан коллеж ўқувчиларини тадбиркорликка фаол жалб этиш ва уларга бизнес лойиҳаларини амалга ошириш учун микромоллиявий хизматлар кўрсатиш борасида олиб борилаётган комплекс чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Меҳнат ярмаркалари, бизнес гоғлар танловлари ўтказилаётгани ҳамда уларнинг голибларига хусусий тадбиркорликни бошлаш имконини берадиган имтиёзли кредитлар ажратилаётгани аксарият битирувчиларнинг келажагини кичик бизнес орқали тасаввур қилишга туртки бермоқда. Кичик бизнесга ажратилган имтиёзли кредитлар салмоғи уларнинг қизиқишини янада ошираяпти. Масалан, битирувчиларга 2014 йили қарийб 200 миллиард сўмлик имтиёзли микрокредитлар ажратилган бўлса, 2015 йилда эса бу миқдор 280 миллиард сўмга етди.

Бундай хайрли ишларнинг қўламини кенгайтиришда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида олиб борилаётган кенг қўламли амалий машғулотлар ва тарғибот ишларининг ўрни алоҳида бўлаётди. Жумладан, ўтган йили ўрта-мухсус, касб-хунар таълими муассасаларида йўлга қўйилган битирув олди дарслари давомида ўқув-амалий курслар олиб борилганди. Унда касб-хунар коллежларининг иқтисод фани ўқитувчилари томонидан ўз ишини бошламоқчи бўлган коллеж ва лицей битирувчиларига жорий этилган имтиёз ва преференциалар, бизнес режаларни тайёрлаш масалалари, кредит олиш тартиби, лизингга жихозларни сотиб олиш, ер участкаларини ажратиш, корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнлари, ҳисобот, солиққа тортиш тўғрисида тушунчалар берилганди. Шунга монанд равишда жорий йилда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида бизнес клублар фаолияти йўлга қўйилди. Эндиликда мазкур клубларда мутахассислар, тадбиркорлар ўқувчиларга қиммат-

лаштирилиб, ҳар бир таълим муассасасида жорий этилади.

Айни пайтда Тошкент темир йўл транспорти касб-хунар коллежида Миробод тумани бўйича ташкил этилган клуб фаолияти барчага бирдай манзур бўлмоқда. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Миробод тумани кенгашининг "Ёш тадбиркор" консультатив маркази

қилди: «Аввало, ўзингиз сезиб шуғулланадиган касб-хунарингиз, машғулотиңгиз ёрдамида юзага чиқадаган имкониятларни кўздан кечиринг ёки атрофдагилар, шунингдек, бозор эҳтиёжини пухта ўрганинг». Бунинг самараси ўлароқ, навбатдаги тренинга ўқувчилар ҳар жиҳатни эътиборга олган ҳолда аниқ тақлиф, гоғлар билан келишди. Кимдир



Jarayon

сиб этса, бир ҳафта ичинда 22 хилдаги таом ва ширинлик бўйича буюртмалар қабул қила бошлаймиз.

Клубнинг деярли ҳамма ёшлари Нилуфар каби ўз бизнесини бошламоқчи. Кимдир имтиёзли кредит, бошқалар эса оилавий бюджет маблағи эвазига. Улар билан суҳбатлашсангиз, бизнес клубдан олган таассуротларини тўлиб-тошиб сўзлаб беришади. Айниқса, "korzinka.uz" дўконлар тармоғи, "Машриқ машъали" ўқув курси каби тумандаги тадбиркорлик субъектлари раҳбарларининг мақсадга етишиш йўллари, тадбиркорликда инновацион фикрлаш, бизнес ва бошқарув психологияси бўйича берган фикрлари, ўз тажрибаларидан келтирган ҳаётий мисоллар ёшларни янада руҳлантириб юборганини таъкидлашади.

— Ўқув-семинарларимиз якунида машғулотларда мунтазам фаол катнашган иштирокчиларнинг бизнес режалари ҳудудий ишчи гуруҳ томонидан ҳамкор тижорат банкларига молиялаштириш учун тавсия этилади, — дейди Гулноза Кўчқорова. — Тавсияномаларни қўлга киритган ёшлар ҳамкор ташкилотлар, ҳудудий тижорат банклари вакилларида иборат ҳақамлар ҳаётият олдида ўз бизнес режаларини июль ойининг биринчи ўн кунлигида тақдимот шаклида ҳимоя қиладилар. Тақдимотлар бизнес режанинг иқтисодий кўрсаткичи, лойиҳанинг самардорлиги, ҳаётийлиги, иштирокчининг ўзи танлаган тадбиркорлик фаолияти бўйича тўллаган тажрибаси, ҳамкор тижорат банкларининг кредит мақсадларига мувофиқлиги ҳамда бошқа мезонларга қараб баҳоланади. Тақдимот якунларига кўра, энг юқори кўрсаткичга эга бўлган 10 нафар иштирокчининг бизнес лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2016 йил 3 февралда 2758-сон билан давлат рўйхатига олинган "Тижорат банклари томонидан касб-хунар коллежлари битирувчиларига микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ имтиёзли ставкаларда молиялаштиришга тавсия этилади ҳамда махсус тавсияномалар билан тақдирланади.

Ёшлар мамлакат иқтисодий ҳаётида катта қуч ва ғайрат сарфлашга қодир, ҳаракатчан, барча янги ҳодисаларни тез қабул қилувчи ва ўзлаштирувчи, жамиятимизнинг фаол қисми ҳисобланади. Қувонарлиси, улар тадбиркорлигини ривожлантириш замонавий иқтисодиётнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб бормоқда.

Аброр УМАРҚУЛОВ,
«Ma'rifat» муҳбири

Бизнес машғулотлари

ёшларни тадбиркорликка йўналтиришга сезиларли ҳисса қўшмоқда

ли маълумотларни тақдим этиб, ўз тажрибаларини ўртоқлашмоқда.

— Доимий фаолиятдаги бизнес клублар Президентимизнинг 2016 йил 9 февралдаги "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури тўғрисида"ги қарори, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Васийлик Кенгашининг 2015 йил 10 декабрдаги 65-сонли мажлиси баёни билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида 2016 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури"нинг 3-йўналиш 27-банди ижросини таъминлаш мақсадида республикамиз ҳудуди, туман, шаҳарларида "Камолот" ЁИХ, давлат солиқ инспекцияси, Савдо-саноат палатаси, тижорат банклари, касба уюшмалари федерацияси ва меҳнат бўлимлари билан ҳамкорликда ташкил этилаётгани, — дейди Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштиришни таъминлаш бошқармаси бошлиғи Абдухалил Рахмонов. — Бизнес клуб фаолиятининг асосий мақсади ёшларни, айниқса, касб-хунар коллежи битирувчиларини ўқув-семинарлар, учрашувлар ташкил этиш орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб этиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликни бошлаб олишлари ва ривожлантиришларига амалий ёрдам бериш, шу орқали уларнинг бандлигини таъминлашдир. Айтиш жоизки, клублар ҳар ўқув йили — яъни, сентябрь—июль ойлари давомида фаолият кўрсатади ҳамда ҳамкор ташкилотлар томонидан тасдиқланган тадбирлар режаси асосида иш олиб боради. Ҳозир тажриба сифатида ҳар бир туманда биттадан шундай клуб ташкил этилган бўлса, келгусида янада такомил-

координатори Гулноза Кўчқорова бошчилик қилаётган мазкур клубда олиб бориладиган ишлар кўпчиликлари тажриба сифатида ўрнатилган бўлишига арийдиган. Бунда координаторнинг ўзи ҳам ёш тадбиркор экани амалий қўл келмоқда. Шу ўринда Гулноза ҳақида ҳам икки оғиз сўз. Г.Кўчқорова 2014 йили Тошкент хотин-қизлар коллежини ташкил этиш асосида "Камолот" ЁИХнинг "Менинг бизнес гоғам" танловида амалий санъат йўналиши бўйича голиб бўлди ва "Микрокредит-банк"нинг Ўқоричирчиқ тумани бўлимидан имтиёзли кредит олди. Ушбу маблағ эвазига тикув цехи очди. Цехда буюртма асосида келинлар учун миллий либослар, кийим-кечак текиши йўлга қўйилди. Асосийси Гулноза беш нафар тенгдошини иш билан таъминлади.

— Жорий йилнинг март ойида тумандаги касб-хунар коллежлари ва академик лицейларнинг ўқувчилари ўртасида бизнес клуб мақсади, вазифалари, унинг келгусидаги фаолиятини кенг тарғиб қилишга қаратилган махсус ёнловлар берилди, давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этилди, — дейди Гулноза Кўчқорова. — Бу янгиликка юзлаб ўқувчилар қизиқиш билдирди. Улар орасида анкета сўровномалари, психологик тест ўтказилди. Чин маънода тадбиркорлик соҳасига қизиққан ва келажикда ўз бизнесини бошлаш ниятида юрган, етакчилик қобилиятига эга ёшлар ҳамда мустақил тингловчилардан иборат клуб аъзолари шакллантирилди.

Ақсарият янги иш бошловчилар дуч келадаган илк савол шундай: бизнес гоғ қаердан олинди? Дастлабки машғулотда ушбу мавзу клуб аъзолари ўртасида муҳокамага тортилди. Гулнозанинг ўзи бу йўлни босиб ўтгани учун иштирокчиларга жавоб топишда энг қулай ва самарали йўлни тақлиф

рангли макаронлар ишлаб чиқармоқчи, бошқаси авточилангарлик устaxonасини очиб ниятида, касаначилик билан шуғулланмоқчи бўлганлар ҳам бор. Шундай қилиб, бизнес режалар ишлаб чиқилди, маркетинг режаси тузилди. Энди уни амалиётга жорий қилиш билан боғлиқ масалалар юзасидан туғиладиган саволларга жавоб топиш зарур эди. Ҳафтанинг ҳар жума куни ўтказилган кичик бизнесга оид турли мавзулардаги амалий машғулотлар, учрашувлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вакиллари билан бўлиб ўтган очик давра суҳбатлари, ҳудуддаги муваффақиятли иш олиб бораётган тадбиркорларнинг маҳорат дарслари, бизнес экскурсиялар ўйлантираётган барча салбий фикрларни, иккилашниларни булутдаги тарқатиб, ёшлар шижоатига шижоат қўшди.

— Бу йил П.Ф.Боровский номидаги тиббиёт коллежини ҳамширалик иши йўналиши бўйича тамомладим, — дейди бизнес клуб аъзоси Нилуфар Абдувалиева. — Клуб ҳаётидаги катта ўзгаришларга туртки берди. Аввалига қизиқиш туфайли клубга аъзо бўлгандим. Семинар-тренинглар, амалий машғулотлар ўзимдаги ички имкониятларни юзага чиқарди. Болаликдан овқат пиширишга иштиёқим баланд бўлгани боис турли хил таомларни, ширинликларни тайёрлаш бўйича ўқув курсларини ҳам таомлаганман. Ҳобим шу жойда асқотди. Машғулотлар давомида тўй-маросимларга буюртма қилинадиган таомлар ва ширинликларни тайёрлаш ҳамда уларни етказиб бериш билан шуғуллансам-чи, деган фикр келди. Шу гоғни ривожлантириб бориб, "Менинг бизнес гоғам" танловининг республика босқичида "Қишлоққурилишбанк"нинг имтиёзли кредитини қўлга киритдим. Ҳозир кредитни расмийлаштириш ишлари билан шуғулланаяпман. На-

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Индинига куёш уйкусидан бош кутармай водий йўлини олди. Сафарни тонг салкиннида бошламасак, ёзнинг юракўйноқи иссиғида анча-мунча азобланишимиз бор. Дугонамнинг озги қулоғида, кўзлари қувончдан порлаб, теварак-атрофга тикилгани-тикилган. Ўзим ҳам бу гал ғалати ҳисларни туяр, уйга бормаганимга анча вақт бўлганини сезиб, қутидек ҳовлимиз, чиллак тағидек озгин укам, қақилдоқ сингилларим кўз ўнгимдан сирғалиб ўтди. Соғинибман. Кейин йўллар, доводнаги чўнг қоялар, бесўнақай, лекин ўта қадрдон тошлар, тоғ ҳавоси, “Чағали” постидаги юзи ялтироқ патиралар — ҳаммасини соғинибман. Қаранг, одам Ватан ичида яшаб, ватанини соғинавераркан-а?! Онам телефонда тез-тез қийиди: “Унутаяпсан, бобо-бувингни, яқинларининг зиёратини унутаяпсан. Яхшимас, яхшимас...”. Онамнинг танбелларини дадам чўрт кесади: “Дарслари, иши кўпдир, болани чалғитаверма, эси йўқ! Ортингдан шўқиллаб юрмаганига шукр де!”.

...Йўлдамиз. Қизик, ўзинг туғилиб ўсган кишлоқингизга эмас, салобат тўкиб турган мана шу тоғ-тошлар, дов-дарахтлар, дўнгликларда ўтлаётган кўй-кўзи, эчки-улоқчаларнида кўмсаркансан. Шаҳарнинг баланд-баланд, кеккайган иморатларини ортда қолдириб, Тошкент вилояти туманларидан ўтамиз. Кун ҳали ёйилмаган, бироқ кўча-кўйда одам сероб — тирикчилик, турмуш таъшишлари тонг қоронғисидан шомгача гимирлатади. Қурама тоғ тизмалари билан Чотқол тоғ тизмалари ўртасидаги водийда жойлашган Оҳангаронга етдик. Мамлакатимиз иқтисодиётига алоҳида ҳисса қўшаётганига қарамай, шаҳар доим гавжум тамаддихоналари, икки йўл четида кўр тўққан ошхоналари билангина ёдимда сақланган. Уйқуси маромига етмаса, ҳамхоналарига захрини сочадиган дугонанинг ҳам таъби бўлак: нуқул илжайди, ташқаридан кўзини узмайди. Оҳангарон, Ангрен оралаб, ниҳоят, доводна — туя ўрқачларига ўхшаш баланд тоғлар орасига суқилдик. Аёзда хатарли, ёзда ҳузурбахш тоғ йўлларининг машаққатига чидасанг арзийди. Бундай манзара, табиатнинг улугворлигини ҳис эттирадиган лаҳзаларни шоир ўхшатиб ёзган:

**Ибтидоий ўткир қоялар...
Бу тоғларнинг осмоний мовий,
Бунда гуллар фаришгасимон,
Бунда ҳатто тошлар самовий.**

...Эҳ-хе, тўлиб-тошиб шеър ўқигинг, Оҳангарон сув омборидаги мовий сувга соатлаб тикилгинг, кўнглингни бўшатгинг, гоҳи йилгагинг келади. Кўкси кенг, вазмин тоғлардан уялгангдан кўзёшларингни жимгина ичга ютасану, яна кетаверасан.

Анча йиллар серёмғир, қорқировли, куёш тиги куйдирган кўнларни писанд этмай йўл созлаган, хорижлик ҳамкорлар билан баҳам-жихат бетон йўл ётқизган ишчи-мутахассисларнинг меҳнати сабаб чарчок билмай бораверасан.

— Дугонам, сен қизганчиқсан! — дея кўзимга тик қарайди ҳамроҳим. — Шундай манзараларни мендан қизгандинг-а? Бекорга зориллатмаган экмансан, ҳасис... —

ёлғондан қоғоз уйиб, аразлагандек юзини шарт ўгиради.

— Нега қизганай? Ана, истаганинча томоша қил, тўйиб-тўйиб нафас ол, олдинги тўсаяпманми? — дейман жўрттага ўпкалаган бўлиб. — Қара, байрамга тайёргарликни, йигирма беш йиллик айёмни кўнгилдагидек ўтказишга ҳамма бирдек бел боғлаган-ов. Қарасангчи!

— Ҳа, бобом айтганидек, улуг байрамимиз бу, муносиб нишонлаш керак... — дейди шаббодода ҳил-пираётган ранг-баранг байроқчаларга тикилиб.

Номи ажабтовур кишлоқлар: Серқақирилдасой, Эртисой, Қорахитой, Тангатоғди; бўй чўзишдан мусобақалашаётган сояси қуюқ дарахтлар; кўсида митти-митти, сап-сарик гуллар унган бесўнақай тошларни ўрнида қолдириб, олдинга интилаверамиз. Маълум масофа юрилгач, қинда катта тананалар билан очилган Ангрен — Поп темир йўли изларига дуч кел-

ўртасидаги лойиҳанинг умумий қиймати 1 миллиард 635 миллион долларга етиб, кўшимча иш ўринларининг яратилгани, асосийси, ёшлар, ўрта махсус таълимни таъмолаган кадрларнинг иқтидорини намоён этишига қулай шароит туғилганининг ўзи муҳим. Лойиҳанинг асосий стратегик вазифаси эса республикамиз ҳудудидеягона темир йўл тармоғини барпо этишни яқунлаш ҳамда Фарғона водийси вилоятларини мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари билан боғловчи ягона транспорт тизимига улаш экан. Хайрли ишнинг эртакечи бўлмаганидек, ягона темир йўл тармоғининг таъмирланиши чорак асрлик ислохотларнинг энг салмоқлиси.

Қишлоғимизда Ўрмон бувадан-да содда қария йўқлиги учун одамлар исмига “лаққи” лақабини қўшиб қақирарди. Ўша буванинг қизик гапи бўларди, таниган-танимаганига: “Қаранг, улфат, жа ғалати нарсалар кўп-а атрофимизда! Нима

ришда миришкор. Агар олтиариқлиқлар қафддек ерида ҳам тонналаб узум олиш, вайишларидаги ҳусайни, чарос, чилги, ризамат, кетмонсопи, хоним бармоқлари, шакарранг, кишмиш каби узумларни махсус парваришлаб, қишнинг изгирин кўнлари ҳам токидан эрдигина узилгандек сақласала, бағдодлиқлар экин-тикинда ернинг чинакам пири. Бағдоддан кейин мовий сопол идишлари билан оламнинг тўрт тарафига донг таратган, қантак ўриги хориж шифоналарида юракўйноқларга мал-ҳам бўлаётган Риштонга келдик.

— Ниҳоят етдиг-эй, гапиравёриб, миямни огритдинг. Сингилларимга айтсам, қайтгунингча тинчимайди. Минг уринма, улардан қутулмайсан, — деб дугонамга ҳазиллашаман.

— Розиман, фақат мовий сополларни кўрсатсанг, бирор қулолнинг кўргазмасига элсангинга, розиман, — дея бармоқларини букиб шартларини санайди.

ди. Мевалар бошини еб солган, қантак ўрик, олма-ларнинг ҳосили мўлғилигидан шохлари ерга эгилиб-эгилиб туради. Ўтган баҳордаги ачиқ изгирин кўпчиликнинг даромадини камайтирган, дарахтлар авжи гуллаб, ғўра боғлаган пайтда кўтарилган бевақт совуқдан ақлар безиллаганди. Бу гал бошқача...

— Ўтган баҳордаги хирмон чўғини қайта кўрсатмасин-эй! Дарахтларни бевақт совуқ урган, ақсар мевалар бўжмайиб пишган, таъми ҳам тузук эмасди, — дея бошини сарак-сарак қимирлатади ҳайдовчи амаки. — Бу йилгиси сархил, ширали, чўғиям баланд. Қантак, исфара, субҳоний, оқ ўрик, pistaқантак, боражаби деган ўриклар сероблигидан қуриштига улгурмаяпти боғбон. Тўқчилик бўлгани яхши-а, қизларим...

Кадрдон уйдамыз. Дугонам табиятан хушмуомала, очик юзлигидан уйдагилай билан дарров эллашди. Йўлдаги манзараларни эринмай

Шоир билан суҳбатимиз туғач, хайрлашиб, автошоҳбехатга пиёда бордик. Баҳодир Исо ҳақ, ўзгаришларни кўрмай жўнасам, афсусланман. Одамлар олис пучмоқлардан атайлаб келсаю... йўқ, уят бўлади!

“Йўл созлаган, кўприк қурган, йўловчининг огирини енгиллатганга улуг савоб ёзилади”, дерди ёши улуглар. Йилдан йилга шаҳару кишлоқлар, вилоятларнинг “чеҳраси очилаётгани”, аҳоли турмушининг қулайлашаётгани, шубҳасиз, шу хайрли ишларнинг ташаббускорига савоб улашади. Президентимизнинг 2011 йил 15 ноябрда имзолаган “Фарғона шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, 2012—2015 йилларда ижтимоий ва транспорт-коммунал инфратузилмаси объекларини қуриш ва реконструкция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг ижроси қай даражада бажарилганига шаҳар ичини кезгач амин бўласиз. Алишер Навоий кўчасидаги минг ўринли



ламиз. 123,1 километрга чўзилган иланг-биланг излар ўта синchkovlik, усталик, дид ҳамда нечоғлик аниқликда қурилганидан ҳайратланмай илож йўқ. Денгиз сатҳидан нақ 2200 километр баландликдаги Қамчиқ доводидан темир йўли ўтказиш, табиатнинг ниҳосиз инжиқлигию хатарларига қарамай дадил ташаббус билан улкан ишни яқунлаш осон эмас-а? Бир иморатнинг пойдеворини кўтариб, томини ёпиш қанчалик машаққатлиқ, Фарғона водийсини бошқа кенту вилоятларга доимий боғлашни-да тасаввур этаверинг! Уч йил нариберисидея шошиб, гоҳи уйқусираб уйга қатнарканман, тиним билмай ишлаётган, кўприк қураётган, чанг-тўзонда ер текислаётган, йирик-йирик харсанглари чегга суриб, йўл оцаётганларнинг заҳматини кўрадим, йўлдаги ўзгаришларга аҳамият беравермасдим. Орадан йил ўтиб, “Орзу” вокзалининг мовий биносига кўзим тушгач, доводдаги ангиллиқлар нафасини аққол сездим. Бу йўл фақат ички иқтисодиётингизга эмас, балки ташқи алоқа, ишлаб чиқариш, импорт-экспортни мустаҳкамлаш, узоғимизни яқин, огиримизни енгил қилиш, энг муҳими, ўртадаги қон-қардошлиқ, биродарлиқни жипслаштириши бор гап. Икки буюқ ҳамкор давлат: Ўзбекистон — Хитой

эмиш, шотидек узун темир из-шаҳарларни бир-бирига улармиш. Жа бошқача-а?”. Ўрмон бува ростида нам анойимиди ё суҳбатга гап тополмай шундай дермиди, билмадим, лекин бобонинг айтганлари рости. Темир излар кадрдонларни, мусофиру тўжжорларни, соғинчдан энтикан кўнгилларни туташтирувчи кўприк.

...Қўқон шаҳридамыз. Данғара туманининг ён қўшниси Қўқон ёғли патирали, уddaбурдон савдогар, тадбиркорлари билан машхур. Ҳамроҳларимиздан бири шаҳар марказида оёқлади. Хайдовчи уловни Ўрда йўлига бурди. Муаззам саройини ҳар кўрганимда тарихий китоблардаги воқеалар, Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кўнлар”, “Меҳробдан чаён”, мозий манзараларни ўз тасаввуримча жонлантираман. Ҳозирги Қўқон ҳам шунга монанд. Қадимингизда замонавий, кўркам иморатлар, сўлим истироҳат боғлари, маданият уйлари учуратасиз. Кенг, раво кўчалар. Аждодларимизнинг бунёдкорлик ишлари азалдан мерос — обод, кўркам масканларда яшашни, фарзанд улғайтиришни хушлайдиган халқимиз.

Қўқондан сўнг Учқўприк, Бағдод туманларига ўтамиз. Бағдодлиқлар ерга ишлов бериш, деҳқончилик, полиз маҳсулотларини етишти-

— Ҳа, мана, чапга қара. Кулол Рустам Усмоновнинг уйи. Кўраяпсанми, хоҳласанг, шу ерга келамиз, — дейман деворлари нақшинкор иморатга ишора қилиб.

— Э, бу кўргазмалар уйи эмасми? Қошинлари ажабтовур, хондонга ўхшамайдию...

— Четдан келганларнинг ҳаммаси шундай дейди. Деворларидаги нақшлар, мовий ранглар жило-си сабаб сендек меҳмонлар хондонни кўпроқ музейга ёки кўргазма биносига менгзайди. Устани танимайдиган, санъатини қадрламайдиган риштонлик кам. Бирор хорижлик саёхатчи, санъатсаввар энг олдин шу уйга келади. Оғтоба, кўза, товоқ, хум, чойнак-пиёла, шокоса, кумғон, қўшқулоқ, лаган, дастшўй, хуллас, кулол ясаган катта-кичик идишлар, камига Гурумсарой, Фиждудон, Самарқанд, Хоразм кулолларининг ишларидан намуналар столларга текис тери-либ, деворларда кўзни олғулик лаган-товоқлар туради. Ҳовлидаги вайишга узун-қисқа илинган сопол кўнғироқчаларни-ку гапирмай. Ўзинг кўрганинг дуруст...

Дугонамга шаҳарни йўл-йўлақай таништирарканман, йўл четидаги боғларда мева қоқиб, ўрик қуригаётганларга эътибор қаратаман. Ҳа, кулол, боғбон, деҳқон учун ҳамду-на(маймун) йили баракотли кел-

гапирди, мактовни ҳам келиштирди. Келганимизнинг иккинчи куни Фарғона шаҳрига бордик. Аввало, устозларни йўқлаш, сўнг янгилаган шаҳарни кўришга шошилиб, жўнадик.

— Келаётганда адашиб-негиб юрмадингизми? — дея ҳазиллашди Баҳодир Исо “Фарғона ҳақиқати”даги хонасига бош суққанамда. — Бизда ангиллиқлар кўп. Пойтахти азимдан қолишмаслик ҳаракатидамыз.

— Ҳа, Фарғонани тамоман ўзгартириб юборибсизлар-ку! Тўғриси, танимадим, — дейман хижолатдан қизариб. — Йўллар кенгайиб, баланд уйлар қурилибди, вилоят ҳокимияти биносини асосий дарвозадан киришим билан кўрдим. Олдин тахририятни ҳам уч-тўрт кўчани айланиб-айланиб топиб келардик. Менга ўхшаган мусофир тўрт-беш йил ичида келмаса, даб-дурустдан довдирайди.

— Шаҳар ичини айландингизми? — сўрайди шоир олдидаги қозғоларни чегга суриб. Тахририятда ҳам байрамолди мақолалар сони кўпайган, шекилли, муҳаррир уларни саралаш билан банд.

— Йўқ, ҳали. Кечки Фарғона кундуздагидан ҳам чиройли экан, деб эшитдим. Шунга салқинроқда келсакми, деяпман...

— Албатта кўринг! Кўрмай кетсангиз, афсусланасиз.

Санъат саройи, 500 ўринли амфитеатр ҳамда йигирма минг томошабинга мўлжалланган “Истиқлол” стадиони шаҳарга айрича зеб берган. Ростки, Фарғонанинг чин маънода водий гавҳарига айлангани, бир неча йиллик машаққат, меҳнат, катта куч билан замонавий қиёфада бунёд этилиши вилоят аҳлининг фахридир. Ҳалқа йўл четида бекатлар, маиший хизмат кўрсатиш уйлари, пиёдалар учун йўлақлар, салобатли меҳмонхоналар, сердарахт боғлар, болалар майдончалари — ҳаммаси ўзимиз учун!

— Таърифлаганларича экан. Водий гавҳари, деб бекорга айтишмас экан-а? — дейди самарқандлик дугонам атрофдаги манзаралардан кўз узолмай. Унга қўшилиб ўзим ҳам суқланиб қарайман. — Марғилондаги хонатлас, адрас тўқувчиларини моҳир уста, десам, фарғоналикларнинг ҳаммаси ижодкор экан-ку!

— Ҳа, Самарқанддек чиройли жойлар кўп бу ерда, — дейман қулиб.

— Э, эски гапларни кўзгама... Шаҳрининг яна нимаси ёқди, айтими? — дейди йўлимни шарт тўсиб. — Кеча сотиб олган атласларимиз бор-ку, товганишини унутолмайман ўшаларнинг. Яна уч-тўрт кийимлик олсаммикан? — қаҳқаҳ отиб кулади.

— Аёлмиз-да, барибир. Ялтир-юлтир, жимирлаган беағу матоларга ўчмиз. Шуларга овуниб юрсак керак-да! — деб йўлда давом этаман.

26—28 май кўнлари “Универсиада-2016” мусобақаларига мезбонлик қилган Фарғонада тантана нишоналари ҳали ҳам сақланган. Мусобақа рамзи туширилган йирик баннерлар, сувратли байроқчалар йўл четларини беазаган. Фарғона давлат университети, Фарғона политехника институти, Фарғона олимпия захиралари коллежидея ўтказилган ўйинларда қатнашган талаба-ёшлар, иштирокчилар уйларига мамнун қайтди. Ютқазгани ҳам Фарғонага келганидан, дўст-дугона орттириб, водий аҳлининг меҳмондўстлигидан шодланиб, вилоятига унтилмас таассуротлар билан кетди. Президентимиз “Универсиада-2016” спорт ўйинлари иштирокчиларига йўллаган байрам табриғида: “Ушбу мусобақаларни юксак савияда ўтказиш учун мамлакатимизда ҳар томонлама катта тайёргарлик ишлари амалга оширилганини алоҳида қайд этиш лозим. Биргина Фарғона шаҳрининг ўзида 37 миллиард 215 миллион сўм маблағ сарфланиб бунёд этилган ва энг юқори талаблар асосида жиҳозланган ўнлаб янги спорт иншоотлари, стадионлар, теннис кортлари, сузиш ҳавзалари, спорт заллари ва бошқа объектлар бугун сизларга ўз эшиқларини очмоқда”, дея Ўзбекистон ёшларини янги марраларни кўзлашга, рекордларни янгилашга ундайди. Мамлакатимиз раҳбарининг ёшларга ғамхўрлиги, уларнинг соғлом, жисмонан ҳам руҳан баркамол улғайишига алоҳида эътибор қаратаётгани фахрдан ташқари масъулият демак. Биздан талаб этиладигани — ишончни оқлаш, бурчни сидқидилдан бажаришдир. Фарғонага сафаримиз яқунлашиб, яна Тошкентга, сершовқин кўчаларга қайтиш фурсати етди. Онам яна азонлаб нон ёпди. Бувим ўрик, гилос қоқиларидан анчасини йўлхалтамага солди. Дугонам ҳам совға-саломлардан “семирган”. Саратон чилласида ўтган саёхат кутганимдан аёло эди. Дарвоза олдида онам доимгидек кўзёши билан хайрлашди. Дадам пешонамдан ўпиб, оқ йўл тилади. Бувим дуо қилди.

— Девзира гуручли ошингизни егани яна келаман, холажон. Қизингиз қақирмаса ҳам келаверман, — дея хуш-хандон хайрлашди Шахноза. — Сизларни Самарқандда кутамиз энди. Бийимлар шўрданак, мағиз-майизларини ғамлаб ўтирибдилар, фарғоналиклар қачон келади, деб...

...Яна йўлдамыз. Аллақандай ғалати ҳис, охиригача қонмаган соғинчдан қийналиб йўл тортаман. Дугонамнинг икки кўзи йўл четида. Ёқдими, сўрайман атайлаб. Гапирилмайман, дегандек бошини қимирлатади. Мен ҳам, дейман ичимда. Қолганини тасвирлаш, таърифлаш кўлимдан келмайди. Яхшиси, минг эшитгандан, бир кўрганингиз, Марғилон, Қўқон, Фарғонани хоҳишингизча зиёрат қилганингиз маъқулроқ. Шунда кўнглимдаги соғинчни тушунасиз.

**Чарос НИЗОМИДДИНОВА,
“Ma'rifat” муҳбири**



Ўқувчилар таълим-тарбиясидаги ҳамжиҳатлик

махалланинг нуфузи янада ортишига хизмат қилмоқда

Маҳалла — истиқлол йилларида қайта тикланиб, халқимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутатган бебаҳо тузилма. Бугунги кунда аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жамиятдаги муаммоларни самарали ҳал этиш, ёш авлодни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида камол топтиришда фуқаролар йиғини фаоллари ва мутасаддиларининг ҳиссаси каттадир. Хусусан, маҳалланинг оилалар ва таълим муассасалари билан ҳамкорлиги таълим-тарбия сифатини ошириш, ўқувчи-ёшларда эл-юртга дахлдорлик туйғуларини шакллантириш, вояга етмаганлар ўртасида турли иллатларнинг илдиз отишига барҳам беришда қўл келмоқда.

Бугунги кунда юртимиздаги барча мактабларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оилалар билан мустақкам ҳамкорлик ўрнатилган бўлиб, ўқувчилар давоматини яхшилаш, дарсларни ўзлаштиришини таъминлаш, кийинини, кўча-қўйда ўзини тутиши, одоб-ахлоқини назорат қилишда улар кўмағига таянлмоқда. Ўз навбатида фуқаролар йиғини мутасаддилари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳудудда истиқомат қилаётган оилалар, уларнинг мактаб ёшидаги фарзандлари иштирокида турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб келмоқда.

— Маҳалламизда яшайдиган оилаларнинг 581 нафар фарзанди 4- ва 106-мактабларда таълим олмақда, — дейди Учтепа туманидаги «Шофайзбоғ» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Маъмура Саидова. — «Оила—маҳалла—таълим муассасаси» ҳамкорлик концепцияси асосида мактаблар билан бир неча йўналишларда ҳамкорликда ишлаймиз. Хусусан, ўқув йилида шахсан ўзим ёки «Маҳалла посбони»

чилар таълим-тарбияси билан боғлиқ қатор масалаларда маҳаллага мурожаат этаётгани шундан далolat беради.

— Ўтган ўқув йили ўрталарида 4-мактабнинг 2-«А» синфиди ўқувчилар давомати пайсайдигани учун муассаса маъмурияти биздан масалани ҳал этишда ёрдам сўради, — фикрини давом эттиради Маъмура Саидова. — Бу иш билан ўзим шуғулландим. Аввал ўқитувчининг дарсини кузатдим, асосан қиллар кеч қолиб келатгани ёки



Oila — mahalla — ta'lim muassasasi hamkorligi

жамоатчилик тузилмаси раҳбари кунда-кунора мактабларда бўлиб, эрта-лаб ўқувчилар дарсга ўз вақтида келатганини назорат қиламиз, кеч қолиши сабабларини ўрганамиз. Муаммолари ҳолатлар юзга келса, ота-оналарни қақириб, тушунтириш ишларини олиб борамиз.

Фуқаролар йиғинлари бугун аҳолини ижтимоий муҳофазалаш, уларнинг оғирини енгил қилиш, кам таъминланган оилалар ва муқтож инсонларга кўмак бериш борасидаги тизимли ишлари тўғрисида элу юртининг ишончига тўлиқ эришмоқда. Бу «Оила—маҳалла—таълим муассасаси» ҳамкорлиги мисолида ҳам яққол кўринмоқда. Мактаб маъмурияти, ўқитувчилар ва ота-оналарнинг ўқув-

дарсларда иштирок этмаётганини ўргандим. Муаллим маҳоратли бўлгани учун машғулотларни қизиқарли ўтказишига ишончим қатъий бўлган, муаммони оилалардан қидиришга уриндим. Оналарга фарзандини эрта ухлатиш, эрта уйғотиш, вақтида нонушта қилдириш, мактабга кеч қолмаслигини таъминлаш борасида тавсиялар бериб, дарсга кечикиш ёки иштирок этмаслигини оқибатларини тушунтирдим. Муаммо тез орада барҳам топди. Бундан ташқари, бизга оилалар ҳам мурожаат этиб, қизи ёки ўғлининг ҳулқи, ўқишга муносабатини яхшилаш, касб-ҳунарга йўналтириш борасида тушунчалар беришимизни сўраб туришди.

Ўқувчиларнинг дарсларга мактаб

формасида бориши, очиқ-сочиқ кийинмаслиги, чўнтак телефонда «оммавий маданият»ни ёки ёт ғояларни тарғиб қилувчи видео-фото материалларни олиб юрмаслиги, компьютер клубларига муккасидан кетмаслиги, аксинча бўш вақтларини мазмунли ўтказишини таъминлаш фуқаролар йиғинлари мутасаддиларининг доимий эътиборида. Хусусан, ўтган ўқув йилида «Маҳалла посбони» жамоатчилиги тузилмаси раҳбари ва участка профилактика нозир кўмағида барча ўқувчиларнинг кўл телефонлари текширилиб, уларнинг тарбияси, билим олишига салбий таъсир кўрсатадиган материаллар йўқ қилинди. Маҳалла ҳудудидаги интернет-кафеда ўқувчилар ёшига мос маънавий-маърифий, ўқув материаллари кўпайтирилди. Бу ерда болаларнинг бир соатдан ошқ ўтириши тақиқлаб қўйилди.

Маҳалла ва мактаблар қошида ташкил этилган «Ораста қизлар» тўғарақлари фаолияти таҳсинга лойиқ. Тўғарақда ёзги таътил кунлари ҳам ҳудуддаги 26-оилавий поликлиника шифокорлари, кайвони онахонлар, мактаб амалиётчи психологи иштирокида сўхбатлар, тренинг машғулоти ўтказилмоқда. Ўсмир қизларга режа асосида репродуктив саломатлик талаблари, уй-рўзгор тутиш, таом тайёрлаш, меҳмон кутиш одоблари ўргатиб боришмоқда. Ўсмир йигитлар тарбиясига маҳалла посбонидан ташқари, имом-хатиб ҳам бириктирилган.

Бу каби юмушлар ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол улғайишига, маҳалланинг таълим-тарбия борасидаги нуфузини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Ҳамза АБДУЛЛАЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

«Мақсадим аниқ — фан олимпиадасининг ғолиби бўлиш»

— дейди оромгоҳ тарбияланувчиси

Ўқувчиларнинг ёзги таътилин қай даражада мазмунли ўтказатгани, спорт, фан, моҳир қўллар, тасвирий санъат каби тўғарақлар ишини кузатиш мақсадида Булунғур тумани ХТМФМТЭБ ишчи гуруҳи мактаблар қошидаги кундузги оромгоҳлар фаолияти билан танишди. Дастлаб ҳудуддаги 42-мактабда бўлиб, ўқувчилар пайшанба — ҳоржирий тилларда сўзлашиш кунини катта қизиқиш ва иштиёқ билан ўтказатганига гувоҳ бўлдик. Барча ўқувчиларнинг чет тилида эркин гаплаша олиши бизда қизиқиш уйғотди.

— Hello! I am Usarov Sherali. I work as a trainer at the District Department of Organising and Providing the Methodic Activity of Public Education (Salom. Men O'sarov Sherali. Tuman XTMFMTTEB metodisti bo'lib ishlayman).

— How do you do? I am Sevvara Butayeva. I am a pupil of school number 42. (Ahvolaringiz yaxshimi? Men Sevvara Bo'tayeva. 42-maktab o'quvchisiman).

— Who is there at school now? Is the director and the teachers there? (Maktabda kim bor? Direktor va o'qituvchilar bilan uchrashmoqchimiz.)

— You can find both the director and the teachers at school now. (Siz maktabda ham direktorni, ham o'qituvchilarni topishingiz mumkin.)

— Thank you very much, Sevvara. (Katta rahmat, Sevvara!)

— You are welcome! (Marhamat!)

Мактаб оромгоҳи ўқувчилар билан гапжум. «Ёз—2016», фан ва спорт тўғарақларининг жадвал асосида ишлатганига гувоҳ бўлдик. Ўқувчилар стол тенниси, шашка, шахмат каби спорт, тасвирий санъат, каштачилик, зардўзлик каби касб сирларини ўрганмоқда. Ўқувчиларнинг ижодий кўргазмалари тўғарақлар фаолияти мазмунли ташкил этилганидан далolat беради.

— Меҳнат таътилидаман, лекин ёзги мавсумда ўқувчиларим инглиз тилини ўрганишдан тўхтаб қолмаслиги учун режа асосида бошланғич синф ўқувчиларига тўғарақ машғулотларини ўтатаям, — дейди инглиз тили ўқитувчиси Шохиди Алимқулова. — Тўғарақ машғулотларини ноъанавий тарзда, «Кувнаймиз ва яйраймиз» ўйини асосида ташкил қилаяман. Натijaда ота-оналар ҳам фарзандлари

билан тил ўрганиш учун мактабга тез-тез келиб турибди. Бундай яқиндан ҳамкорлик янги ўқув йилида ҳам фаолиятимиз самарали бўлишида асқотди.

28-мактабга борганимизда 4-синф ўқувчиси Бехруз Облоқуловнинг Ургут туманидаги «Чорчинор» оромгоҳидан бир олам таассурот билан қайтганини онаси Нигора опа шундай таърифлади:

— Ўғлим икки ҳафтада жисмоний ва маънавий жиҳатдан анча бойиб қайтди. Айниқса, кун тартибига, санитария-ги-

табларнинг 500 нафар ўқувчиси вақтини мароқли ва мазмунли ўтказиш мақсадида жалб этилган. Ўқувчиларнинг сифатли ва витаминларга бой овқатланиши учун мактаб ошхонаси талаб даражасида ишляпти. Малакали мураббий ва тарбиячилар ўқувчиларнинг вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида турли кўрик-танлов ва маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиши болалар қизиқишини оширмоқда.

— Ҳар бир йўналишда ғолиб ўқувчиларни кубок ва мақтов ёрлиқлари билан тақдирлашимиз болаларни фаолликка ундайпти.

— дейди оромгоҳ раҳбари Дилором Ҳасатова. — «Ёз—2016», шахмат, волейбол, футбол, стол тенниси, бадий гимнастика, қўл тўпи, эркин кураш, юнон-рум кураши, таэквондо спорт мусобақалари жадвал асосида мунтазам ўтказиб келинмоқда. Спорт залининг спорт анжомлари билан тўлиқ таъминланиши ғолиб ўқувчилар сони ошишига сабаб бўлаяпти.

— 67-мактабнинг 1-синфини тамомладим, — дейди шахмат мусобақасида биринчи ўринни эгаллаган Олмас Абдуллаев. — Иккинчи синфда ҳам шахмат тўғарағида мунтазам қатнашиб, билимларимни бойитмоқчиман.



Oltin yoz — o'tmoqda soz

гиена талаблари, режа асосида ҳар соатни мазмунли ташкил этишга эътибор қаратадиган бўлди. Бизни ҳам кун тартибига амал қилишга чорламоқда. Расм дастфари, бадий китоблар совға қилишимизни сўради. У нафақат тоза ҳаводан баҳраманд бўлди, балки республикамизнинг турли ҳудудларидан келган ўқувчилар билан дўстлашибди. Бундан биз оромгоҳ ўқувчи ҳаётида нечоғлиқ муҳим эканлигини ҳис этдик. Шунинг учун мактаб қошидаги оромгоҳга келишини қўллаб-қувватладик.

1-мактаб қошидаги кундузги «Қалдирғон» оромгоҳига 1-, 22-, 23-, 34-, 46-, 55-мак-

Булунғур туманидаги «Соҳибкор» болалар соғломлаштириш оромгоҳи 300 нафар ўқувчининг мазмунли хордиқ чиқариши учун 500дан ортиқ бадий ва фанларга оид китоблар билан таъминланган. Моҳир қўллар, компьютер, спорт тўғарақларига тажрибали мураббийлар бириктирилган. Эътиборлиси, билимлар беллашувининг туман босқичида иштирок этган 36 нафар ўқувчи мазкур оромгоҳга жалб қилинган.

— Ўтган йили ҳам шу оромгоҳда дам олган эдим, — дейди 7-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Моҳичеҳра Турдибоева. — Тарбиячи ва мураббийларимдан билим сирларини пухта ўрганганим, мароқли ва мазмунли хордиқ чиқарганим учун билимлар беллашувининг республика босқичида иштирок этдим. Мақсадим аниқ — янги ўқув йилида фан олимпиадасининг вилот босқичи ғолиблигини қўлга киритиш.

Ёзги таътилда мазмунли хордиқ чиқариб, янги ўқув йилига замин тайёрлаётган ўқувчиларнинг таассуротлари бир олам. Уларнинг мароқли дам олишини таъминлашда жонқуяр педагог-мураббийларнинг фидойилиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Кундузги оромгоҳлар фаолияти мониторинг таҳлилида гуруҳ томонидан бу жиҳатга алоҳида эътибор қаратилиб, педагоглар меҳнатини муносиб рағбатлантириш юзасидан тақдирлар тайёрланмоқда.

Ғайратжон ҚОРАБЕКОВ,
Булунғур туманидаги
11-мактаб ўқитувчиси,
Халқ таълими аълочиси

2016-yil 23-iyul, № 59 (8916)

Кўшиқми ё ашула?

Бугун орамизда мусикий истилохларни қўллашда кузатилаётган бир ҳолат юзасидан мулоҳаза юритсак. Яъни "қўшиқ" ва "ашула" атамаларини бир-биридан фарқламаслик, фарқлай олмаслик тўғрисида.

Кейинги йилларда жанрларнинг асл тузилишини яхши билмай туриб, шеър-мусикий асарларни гоҳ "қўшиқ", гоҳида "ашула" деб юритиш одатий ҳол бўлиб қолди. Боз устига, айрим манбаларда катта ашула, макомнинг-да бир сўз билан "қўшиқ" деб аталаётгани сир эмас. Ҳўш, нега бундай хатога йўл қўйилмоқда?

Ўрни билан айтиш керакки, яқин ўтмишда русча "песня" атамаси ўзбекча айтим турларининг барчасига гўё тенг маънодош сифатида қўлланилган. Бу эса, ўз-ўзидан анъанавий тушунчалар моҳиятига салбий таъсир кўрсатди. Қўшиқ — песня, ашула — песня, ялла — песня, лапар — песня деб юритиш борабора тўла маънодош сифатида муомалага сингишиб кетди.

Маълумки, мусикий меросимиз икки улкан йўналишдан иборат: халқ ижодиёти (мусиқали фольклор) ва бастакорлик ижодиёти. Ушбу илмий тақсимотдан келиб чиққан ҳолда айтиш жоиз, қўшиқ — халқники! Чунки у санъат меросимизнинг энг чуқур қатламга мансуб.

Ашула жанрининг айрим соддароқ тузилишга эга намуналари мусиқали фольклорга, қолган қисми баста-

корлар ижодиётига мансуб. Бу йўналиш мусиқали фольклорга ўхшаш намунадан анча мураккаб тузилишга эга.

Биламизки, муайян қонун-қоида асосида ёзилган шеър қўшиқ ёки ашуланинг адабий матни вазифасини бажаради. Ашула куйи асосан аруз вазнидаги ғазаллар билан битилган. Шарқ халқлари адабиётида кенг қўлланилган ушбу вазн ҳижоларнинг талаффузига узун-қисқалигига асосланган бўлиб, оҳанг билан чамбарчас боғлиқдир. Бунга машҳур ашулаларимиздан "Тановар", "Чаман ичра", "Найларман", "Сайёра", "Ҳануз", "Сайқал" кабиларни мисол келтириш мумкин.

Қўшиқ матни эса асосан "бармоқ" вазнида ёзилади. Шеър ва куй бирикмаси шу зайл ҳосил бўлади. Бунга халқимиз кўп йиллардан буён қуйлаб, қадрлаб келаётган "Омон ёр", "Ёрим келтаман дейди", "Яллама ёрим", "Овозинг сени" сингари қўшиқларни мисол тариқасида келтириш мумкин. Бу қўшиқлар халқимиз орасида ёд бўлиб кетган матнлар тузилмасидан иборат.

Демак, қўшиқ халқ ижодиёти маҳсули, ўзбек халқ қўшиқлари дурдонаси ҳисобланади. Уни тушуниш учун ҳеч қандай таржимоннинг кераги йўқ, шунинг учун у халққа ҳар жиҳатдан яқин туради.

Исломжон НИЁЗОВ

Қашқадарё вилояти

Юртбошимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида таъкидлаганидек: "Барчамизга аёнки, куй-қўшиққа, санъатга муҳаббат, мусиқа маданияти халқимизда болалиқдан бошлаб, оила шароитида шаклланади. Уйда дутор, доира ёки бошқа чолғу асбоби бўлмаган, мусиқанинг ҳаётбахш таъсирини ўз ҳаётида сезмасдан яшайдиган одамни бизнинг юртимизда топиш қийин, десак, муболаға бўлмайди!".

мумтоз куйлар чалинган. Бу шундан далолат берадики, халқимиз оилавий ҳаётида мусиқа кенг тарқалган ва боланинг эшитиш қобилияти инобатга олиниб, у соз чалишга ўргатилган. Бугун ана шу анъаналар қайта тикланмоқда. Ёшлар халқаро танловларда ўз библим ва истеъдодини намойиш этиб, юқори ўринларни қўлга киритиб келаяпти.

Тошкент шаҳридаги 10-болалар мусиқа ва санъат



Qaror va ijro

доира (зарбли) каби соҳилар бор. Оркестрнинг ижро дастуридан Шейбернинг "Жаз пьесаси", рус халқ куйи "Калинка", Н.Норхўжаевнинг "Наврўз уфориши", П.Чайковскийнинг "Ноктиюрн", М.Левиевнинг "Оқ лолалар" сингари куйлари ўрин олган. Шунингдек, мактабда чангчилар (ҳам анъанавий, ҳам академик йўналишда, раҳбар Раъно Аҳмедова), ру-

Мактабда халқ чолғулари бўлими

Юртимиз мустақилликка эришгач, бошқа соҳалар сингари санъатни ривожлантиришга эътибор янада кучайди. Бу борада Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009–2014 йилларга мўлжалланган давлат дастури тўғрисида"ги қарори тарихий аҳамиятга эга бўлди. Ушбу қарор асосида ҳар бир туман мактаб-мактабларида болалар мусиқа ва санъат мактаблари барпо этилиб, замонавий ўқув жиҳозлари ҳамда мусиқа асбоб-ускуналари билан таъминланди.

Республикаимизнинг энг чекка туманларида ҳам янги қурилган муҳташам мусиқа ва санъат мактабларига кўзингиз тушади. Бобо-момоларимизнинг айтишича, илгари ҳар бир хонадонда дутор, доира бўлиб, вақти-вақти билан

мактабининг халқ чолғулари бўлимида ўқиётган ўқувчилар сони миқдор жиҳатидан пойтахтимиздаги энг юқори кўрсаткичдир. Бўлимда 63 ўқувчига мусиқа илми сир-асорлари ўргатилмоқда. Ёш созанда-лар республикамизда ўтказиб келинаётган нуфузли кўрик-танловларда катта ютуқларни қўлга киритаётгани таълим маскани стендида қайд қилинган.

Жумладан, бўлимнинг оркестр синфи ўтган йили "Наврўз садолари" халқаро фестивалида иштирок этиб, 3-ўрин соҳиби бўлди. Бунга барча синфларда зарур чолғу асбобларининг етарлилиги ва яроқчилиги замин яратаяпти.

Мактабда мўъжазгина ўзбек халқ чолғулари оркестри мавжуд. Унда 26 ўқувчи шугулланмоқда. Оркестр таркибида флейта, кларнет, прима, чанг, кашкар рубоби, дутор-бас, дутор-контрабас, гижжак,

бобчилар ансамбли (раҳбар Нуриддин Сафаров) фаолият юритмоқда.

— Мактабимизда барча турдаги мусиқа асбоблари бор. Биз мураббийлар улардан эҳтиёткорона фойдаланишни ўқувчиларга ўқитиб борамиз. Чунки улардан кейин қабул қилинадиган тарбияланувчилар ҳам бу мусиқа асбобларидан фойдаланиб, ўз мусикий саводхонлигини ошириши керак, — дейди халқ чолғулари бўлими раҳбари Фахриддин Ўринбоев. — Бу йил маъсасамизни 37 ўқувчи тасмоллаб, уларга ўз ихтисослиги бўйича диплом берилди. Янги — 2016–2017 ўқув йили учун мусиқа ва санъатга мойиллиги бўлган ўқувчиларни ўрна-тилган синов талаблари бўйича қабул қилиш мўлжалланмоқда.

Дунёзода АҲМЕДОВА,
Ўзбекистон давлат
консерваторияси талабаси

«Ҳозирги ёшларда беғуборлик бор...»

Дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисалар ҳақида ўйлар эканман, баъзан ташвишга тушаман. На маънавий мезон, на ахлоқий меъёларга мос келаётган, биз учун мутлақо ёт ғояларнинг ён-веримизда турли шакл-шамойилда кўриниш бераётганидан қайғураман. "Қасани яширсанг..." деганларидек, маънавий бетобликнинг иситмаси биров бошқача; у таняси эмас — маҳкам суркасанг, тузласа. Бу хил "бемор"нинг иситмаси ўйлаган ниятида, гап-сўзи ва амалида, юриш-туришида ўзини аён этади. Ҳатто урф-одат, анъаная қадриятларга бепусанд муносабатда бўлиш даражасигача тубанлашади.

Президентимиз Ислом Каримов "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида таъкидлаганидек, "Агарки мендан, ҳозирги кунда маънавиятимизни асраш учун нима қилиш лозим ва унга таҳдид соладиган хуружларга нимани қарши қўйиш керак, деб сўраса, мен авваламбор шу юрtdа яшаётган ҳар қайси инсон ўзлигини англаши, қадимий тарихимиз ва бой маданиятимиз, улуғ аждодларимизнинг меросини чуқурроқ ўзлаштириши, бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустақил фикрлаши ва диёримиздаги барча ўзгаришларга даҳлдорлик туйғуси билан яшаш зарур, деб жавоб берган бўлардим".

Ҳа, мустақил фикрлаган инсон

ўзини, ўзлигини танийди. Ким нима деса, эргашиб кетавермайди. Маънавият соатларида ўқувчиларга фикрим тезроқ етиб борсин, дарсдан ўзига бир нима олсин, тушунсин деб, одатда, эл ардоғидиган шоир, ёзувчиларнинг ижод намуналаридан мисоллар келтираман. Миллий анъаналаримиз, урф-одат ва удумларимизга, биз учун олий қадрият даражасига қўтарилган ҳаётий манзараларга кенгроқ тўхталишга ҳаракат қиламан. Мисол учун, дарсда ўқувчилар бобомоси, ота-онаси, умуман, унинг катталари бот-бот таъкидлайдиган насиҳатлар — "Сувга туфлама", "Чиқиндини ариқча ташлама", "Дарахт шохини синдирма..." каби ўғитларни ўз тафаккур доирасида

изоҳлайди. Ўрни билан ривоятлар айтиб, фикрини бойитиш. Бунинг самараси ўлароқ, ўқувчилар халқ оғзаки ижодининг ноёб намуналарини ўзи учун кашф қилишга эришади.

Айниқса, "Она юртим — олтин бешигим" мавзусида ўтказилган иншолар танловида ўқувчиларимиз билдирган фикр ва мулоҳазалар мени ниҳоятда қувонтирди. Улар мустақиллик туфайли тикланган қадриятларимиз асосида ўзига хос кичик изланиш ҳам олиб борган. Айни кунда қайтадан таъмирланиб, юртдошларимиз билан гавжумлашиб бораётган зиёратгоҳларимиз ҳақида эътиборга молик сўзларни таъкидлашган. Масалан, 9-синф битирувчиси Мухлисахон Шермухаммедова ўз иншосида шундай ёзади: "Мен буювжоним билан суҳбатлашишни жуда ёқтираман. У киши менга истиқлолдан олдинги ҳаёт ҳақида ҳикоялар айтиб беради. Ўша пайтлари таъкидланган урф-одатлар, маросимларимиз ҳақида қайта-қайта сўрагим келади. Ахир, бутун олам яшади, гулларга бурканиб турган бир маҳалда инсон қан-

дай қилиб ўз туйғуларини яшириб, тугилган юртига муҳаббатини тавраннум этмаслиги мумкин. Халқимиз қўшиқларини тингласам, улар замиридаги Ватанга муҳаббат, эл-юрт олдидаги бурч ва садоқат, ота-она ва қариндошларга меҳру оқибат шуълалари мисралар қатига, оҳанглар занжирига моҳирона пайванд этилганга гувоҳ бўламан. Ёрнинг тортишиш кучи, аниқланган ёки аниқланмаганидан қатъи назар, табиий равишда мавжуд бўлгани сингари удумларимиз, маросимларимиз ҳам табиий мавжуддир. Улар бизнинг онгимиз, руҳиятимиз илдишларига туталиб кетган. Шунинг учун бўлса керак, уларни тинглаганимда катта бир маънавий қудрат силсиласини сезаман..."

Биз устоз ва мураббийлар ана шу покиза қалбларни авайлаб, уларга янада кўпроқ илм зиёсини сингдиришга ҳаракат қилсак, сўзсиз, эртага бу ўқувчилар мустақил ва озод Ватанимизнинг муносиб давомчилари бўлиб етишади.

Рўзимухаммад АБДУРАЗЗОҚОВ,
Ўқувчи туманидаги
20-мактаб ўқитувчиси

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан таълим
ЎЗБЕК тилида олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактаблари учун 2016-2017 ўқув йилида
фойдаланишга тавсия этиладиган дарслик ва ўқув қўлланмалар
РЎЙХАТИ**

T/p	Дарслик ва ўқув қўлланмалар номи	Муаллифлар	Нашр этилган йили	Таъмин-ланиш тури
1-синф				
1	Алифбе	Р.Сафарова ва б.	2016	Бепул
2	Ёзув дафтари	М.Фуломов	2016	Бепул
3	Она тили	Т.Ғаффорова ва б.	2016	Бепул
4	Ўқиш китоби	Т.Ғаффорова ва б.	2016	Бепул
5	Математика	М.Ахмедов ва б.	2016	Бепул
6	Математика дафтари	М.Жумаев ва б.	2016	Бепул
7	Атрофимиздаги олам	М.Ахмедова ва б.	2016	Бепул
8	Тасвирий санъат	Р.Хасанов	2016	Бепул
9	Мусика	Х.Нурматов ва б.	2016	Бепул
10	Одобнома	О.Хасанбоева ва б.	2016	Бепул
11	Жисмоний тарбия	К.Махамматов ва б.	2016	Бепул
12	Мехнат таълими	И.Маннопова ва б.	2016	Бепул
13	Инглиз тили "Kids' English-1"	М.Ирискулов ва б.	2016	Бепул
14	Немис тили "Deutsch mit Spaß"	М.Дадаходжаева ва б.	2016	Бепул
15	Француз тили "Hirondelle"	С.Рахмонов ва б.	2016	Бепул
2-синф				
1	Она тили	К.Қосимова ва б.	2016	Ижара
2	Ўқиш китоби	Т.Ғаффорова ва б.	2016	Ижара
3	Русский язык	З.Абдураимова	2016	Ижара
4	Математика	Н.Абдурахмонова ва б.	2016	Ижара
5	Атрофимиздаги олам	П.Фуломов ва б.	2016	Ижара
6	Одобнома	О.Хасанбоева ва б.	2016	Ижара
7	Тасвирий санъат	М.Исокова ва б.	2016	Ижара
8	Мусика	Х.Нурматов ва б.	2016	Ижара
9	Жисмоний тарбия	К.Махамматов ва б.	2016	Ижара
10	Инглиз тили "Kids' English-2"	С.Хан ва б.	2016	Бепул
11	Инглиз тили машқ дафтари "Activities book-2"	С.Хан ва б.	2016	Бепул
12	Немис тили "Deutsch mit Spaß-2"	М.Дадаходжаева ва б.	2016	Бепул
13	Немис тили машқ дафтари "Arbeitsheft-2"	М.Дадаходжаева ва б.	2016	Бепул
14	Француз тили "Hirondelle-2"	С.Рахмонов ва б.	2016	Бепул
15	Француз тили машқ дафтари "Cahier d' exercices-2"	С.Рахмонов ва б.	2016	Бепул
16	Мехнат таълими	Х.Санакулов ва б.	2016	Ижара
3-синф				
1	Она тили	С.Фузаилов ва б.	2016	Ижара
2	Ўқиш китоби	М.Умарова ва б.	2016	Ижара
3	Русский язык	Н.Сергеева ва б.	2016	Ижара
4	Математика	С.Бурхонов ва б.	2016	Ижара
5	Табиатшунослик	А.Бахромов ва б.	2016	Ижара
6	Одобнома	М.Холикова ва б.	2016	Ижара
7	Тасвирий санъат	М.Исокова ва б.	2016	Ижара
8	Мусика	Х.Нурматов ва б.	2016	Ижара
9	Жисмоний тарбия	К.Махамматов ва б.	2016	Ижара
10	Инглиз тили "Kids' English-3"	С.Хан ва б.	2015	Бепул
11	Инглиз тили машқ дафтари "Activities book-3"	С.Хан ва б.	2016	Бепул
12	Немис тили "Deutsch mit Spaß-3"	М.Дадаходжаева ва б.	2015	Бепул
13	Немис тили машқ дафтари "Arbeitsheft-3"	М.Дадаходжаева ва б.	2016	Бепул
14	Француз тили "Hirondelle-3"	С.Рахмонов ва б.	2015	Бепул
15	Француз тили машқ дафтари "Cahier d' exercices-3"	С.Рахмонов ва б.	2016	Бепул
16	Мехнат таълими	Х.Санакулов ва б.	2016	Ижара
4-синф				
1	Она тили	Р.Икромов ва б.	2015	Ижара
2	Ўқиш китоби	С.Матчонов ва б.	2015	Ижара
3	Русский язык	М.Каримова ва б.	2016	Ижара
4	Математика	Н.Бикбаева ва б.	2015	Ижара
5	Табиатшунослик	А.Бахромов ва б.	2015	Ижара
6	Одобнома	М.Холикова ва б.	2015	Ижара
7	Мусика	О.Иброҳимов ва б.	2015	Ижара
8	Жисмоний тарбия	К.Махамматов ва б.	2015	Ижара
9	Мехнат таълими	И.Маннопова ва б.	2015	Ижара
10	Тасвирий санъат	А.Сулаймонов ва б.	2015	Ижара
11	Инглиз тили "Kids' English-4"	С.Хан ва б.	2016	Бепул
12	Инглиз тили машқ дафтари "Activities book-4"	С.Хан ва б.	2016	Бепул
13	Немис тили "Deutsch mit Spaß-4"	М.Дадаходжаева ва б.	2016	Бепул
14	Немис тили машқ дафтари "Arbeitsheft-4"	М.Дадаходжаева ва б.	2016	Бепул
15	Француз тили "Hirondelle-4"	С.Рахмонов ва б.	2016	Бепул
16	Француз тили машқ дафтари "Cahier d' exercices-4"	С.Рахмонов ва б.	2016	Бепул
5-синф				
1	Она тили	Н.Махмудов ва б.	2015	Ижара
2	Адабиёт (1-, 2-қисм)	С.Ахмедов ва б.	2015	Ижара
3	Русский язык	Ю.Мусурмонова	2016	Ижара
4	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Жураев ва б.	2015	Бепул
5	Немис тили "Deutsch"	М.Қиёмова ва б.	2015	Бепул
6	Француз тили "Bonjour la France"	А.Носиров ва б.	2015	Бепул
7	Тарихдан хикоялар	У.Жураев ва б.	2015	Ижара
8	Математика	Б.Хайдаров	2015	Ижара
9	Ботаника	У.Пратов ва б.	2015	Ижара
10	География (Табиий география бошланғич курси)	П.Фуломов ва б.	2015	Ижара
11	Информатика	Д.Камолитдинов	2016	Ижара
12	Ватан туйғуси	Х.Султонов ва б.	2015	Ижара
13	Мусика	А.Мансуров ва б.	2015	Ижара
14	Мехнат таълими	Ш.Шарипов ва б.	2015	Ижара
15	Тасвирий санъат	Т.Қўзиев ва б.	2015	Ижара
16	Математика (Айрим фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаблари учун)	М.Мирзаахмедов ва б.	2016	Ижара
6-синф				
1	Она тили	Н.Махмудов ва б.	2013	Ижара
2	Адабиёт 1-, 2-қисм)	С.Ахмедов ва б.	2013	Ижара

T/p	Дарслик ва ўқув қўлланмалар номи	Муаллифлар	Нашр этилган йили	Таъмин-ланиш тури
3	Русский язык	Г.Гасилова	2013	Ижара
4	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Жураев ва б.	2013	Бепул
5	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суханова ва б.	2013	Бепул
6	Француз тили «Voyage en France»	З.Абдушукорова ва б.	2013	Бепул
7	Тарих	А.Саъдуллаев ва б.	2013	Ижара
8	Математика	М.Мирзаахмедов ва б.	2013	Ижара
9	Физика	Н.Турдиев	2013	Ижара
10	Ботаника	У.Пратов ва б.	2013	Ижара
11	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2013	Ижара
12	География	А.Соатов ва б.	2013	Ижара
13	Ватан туйғуси	Х.Султонов ва б.	2015	Ижара
14	Математика (Айрим фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаблари учун)	Г.Насритдинов ва б.	2016	Ижара
15	Физика (Айрим фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаблари учун)	Н.Турдиев	2014	Ижара
7-синф				
1	Она тили	Н.Махмудов ва б.	2013	Ижара
2	Адабиёт	Қ.Йўлдошев ва б.	2013	Ижара
3	Русский язык	С.Исламбекова ва б.	2013	Ижара
4	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Цой ва б.	2013	Бепул
5	Немис тили «Assalom, Deutsch»	Н.Суханова ва б.	2013	Бепул
6	Француз тили «Bon voyage»	В.Бухин ва б.	2013	Бепул
7	Ўзбекистон тарихи	А.Муҳаммаджонов	2013	Ижара
8	Жаҳон тарихи	Т.Салимов ва б.	2013	Ижара
9	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2013	Ижара
10	Геометрия	А.Азамов ва б.	2013	Ижара
11	Физика	П.Хабидуллаев ва б.	2013	Ижара
12	Кимё	И.Асқаров ва б.	2013	Ижара
13	Зоология	О.Мавлонов	2013	Ижара
14	География	П.Фуломов ва б.	2013	Ижара
15	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	М.Қаршибоев ва б.	2015	Ижара
16	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2013	Ижара
17	Алгебра (Айрим фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаблари учун)	М.Мирзаахмедов ва б.	2014	Ижара
18	Физика (Айрим фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаблари учун)	Н.Турдиев	2016	Ижара
8-синф				
1	Она тили	М.Қодиров ва б.	2014	Ижара
2	Адабиёт (1-, 2-қисм)	С.Олимов ва б.	2014	Ижара
3	Русский язык	М.Рожнова ва б.	2014	Ижара
4	Инглиз тили «Fly High English»	Л.Жураев ва б.	2014	Бепул
5	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суханова ва б.	2014	Бепул
6	Француз тили «Le nouveau voyage en France»	З. Абдушукорова ва б.	2014	Бепул
7	Ўзбекистон тарихи	Қ.Усмонов ва б.	2014	Ижара
8	Жаҳон тарихи	У.Жураев ва б.	2014	Ижара
9	Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари	О.Каримова ва б.	2014	Ижара
10	Иктидсий билим асослари	Э.Сариков ва б.	2014	Ижара
11	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2014	Ижара
12	Геометрия	А.Раҳимқориев	2014	Ижара
13	Физика	П.Хабидуллаев ва б.	2014	Ижара
14	Кимё	И.Асқаров ва б.	2014	Ижара
15	Одам ва унинг саломатлиги	Б.Аминов ва б.	2014	Ижара
16	География	П.Мусаев ва б.	2014	Ижара
17	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	Р.Қўчқор ва б.	2015	Ижара
18	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2015	Ижара
19	Чизмачилик	И.Раҳмонов	2014	Ижара
20	Алгебра (Айрим фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаблари учун)	М.Мирзаахмедов ва б.	2014	Ижара
21	Физика (Айрим фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаблари учун)	Н.Турдиев	2016	Ижара
9-синф				
1	Она тили	Н.Махмудов ва б.	2014	Ижара
2	Адабиёт (1-, 2-қисм)	Қ.Йўлдошев ва б.	2014	Ижара
3	Русский язык	Р.Усмонова ва б.	2014	Ижара
4	Инглиз тили «Fly High English»	Л.Жураев ва б.	2014	Бепул
5	Немис тили «Deutsch»	М.Дадаходжаева ва б.	2014	Бепул
6	Француз тили «D'un Etat a l'autre»	С.Рахмонов ва б.	2014	Бепул
7	Ўзбекистон тарихи	С.Тиллаев ва б.	2014	Ижара
8	Жаҳон тарихи	М.Лафасов ва б.	2014	Ижара
9	Конституциявий ҳуқуқ асослари	Г.Тансиқбоева ва б.	2014	Ижара
10	Иктидсий билим асослари	Э.Сариков ва б.	2014	Ижара
11	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2014	Ижара
12	Геометрия	Б.Хайдаров ва б.	2014	Ижара
13	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2015	Ижара
14	Физика	П.Хабидуллаев ва б.	2014	Ижара
15	Кимё	И.Асқаров ва б.	2014	Ижара
16	Биология. Цитология ва генетика асослари	А.Зикириев ва б.	2014	Ижара
17	Жаҳон иктидсий-ижтимоий географияси	А.Қаюмов ва б.	2014	Ижара
18	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	О.Мусурмонова ва б.	2015	Ижара
19	Чизмачилик	И.Раҳмонов	2014	Ижара
20	Алгебра (Айрим фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаблари учун)	Г.Насритдинов ва б.	2016	Ижара
21	Физика (Айрим фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаблари учун)	Н.Турдиев	2016	Ижара

Автотураргоҳларни назорат қилувчи робот

Хитойнинг робототехникага ихтисослашган "Ифэн" заводи мутахассислари ресторан, меҳмонхона ва бошқа дам олиш масканларига таъриф буюрувчиларнинг автотураргоҳларини белгиланган ҳудудга олиб бориб қўювчи автоматлаштирилган қурилма яратди.

"Hi-News" манбасида келтирилишича, робот мустақил бошқарув тизими асосида ишлайди. Бунда операторнинг ёрдамига ҳожаат қолмайди. Унинг асосий қурилмаларига қўшимча равишда автоулов гилдирагини белгиланган баландликка қўтариб-туширувчи кичик платформа ҳам мавжуд. Машинани белгиланган жойга олиб боровчи ажратма йўлаклар эса икки ярим тонна юкни қўтаришга мўлжалланган. Уловлар бундай платформаларда соғинаси 1,5 метр тезликда ҳаракатланади.

Қурилма лазерли навигация ёрдамида тирбанд ҳудудларни аниқлайди ва тикилинчда қолган машиналарни ўз манзилига элтиб қўяди. Транспорт воситаларини бир-биридан беш миллиметр узоқликда жойлаштиради.

Автомобиль эгасининг автотураргоҳга киришига ҳожаат ҳам қолмайди. Қурилма бино атрофидаги машинани аниқлайди ва керакли вақтда эгасига етказиб беради. Мутахассисларнинг таъкидлашича, робот инсонлардан кўра 40 фоиз самарали ва эҳтиёткор. У тураргоҳдаги жойдан мақсадли фойдаланади, энг асосийси, тирбандлик юзга келмайди.

Мухандислар мазкур роботлар қимматга тушишини айтмоқда. Битта шундай қурилмани яратиш учун 10 минг АҚШ доллари атрофида маблағ сарфланади.

Болаларни нимадан асраш керак?

Ҳаво таркибида кўринмас, шу билан бирга, хавфли бўлган кимёвий моддалар мавжуд. Мазкур паразитлар ўсаётган ёш организмга жиддий хавф солиб, унинг соғлом вояга етишига тўсқинлик қилади, деб ёзади "Zee News".



Заҳарли моддалар ҳавода, сувда ва озиқ-овқат маҳсулотларида, умуман, ҳамма жойда мавжуд. Тўғри, айрим заҳарли моддалар инсон саломатлиги учун хавф туғдирмаслиги мумкин. Бироқ юқоридаги каби токсинлар болаларнинг асаб тизимига таъсир ўтказиши. Хавфли моддалар сирасига фосфорорганик пестицидлар, дифенил эфирлар, полициклик ароматик углеводородлар, симоб ва кўрғошин заррачалари киради. Уларнинг болалардан, болаларнинг эса улардан узоқ бўлишини таъминлаш мақсадга мувофиқ.

Мазкур жараёнда ота-оналар эътиборли бўлиши, фарзандларининг тўғри овқатланиш қоидаларига амал қилиши, фильтранган сув ичишини алоҳида назорат этиши лозим. Болаларни тез-тез очик ҳавода сайр қилдириш ҳам саломатлик учун фойдали.



Энг кучли электр аккумулятор

Калифорния штатидаги Лос-Анжелес округида 2021 йилга қадар дунёдаги энг кучли аккумуляторли батареяни қуриш режалаштирилмоқда, деб хабар беради "Scientific American" нашри.

Батарея 18 минг литий-ион аккумуляторлардан иборат бўлиб, тўрт соат ичида 100 мегаватт ток ишлаб чиқариш қувватига эга. Унинг назо-

рат бошқармаси, Лонг-Бич шаҳрида жойлашади. Аслида, электр энергиясидан мазкур тартибда фойдаланишнинг жадаллашувига глобал иқлим ўзгариши сабаб бўлмоқда.

Мазкур батареялар АҚШнинг икки йirik компанияси — "Southern California Edison" ва "AES" томонидан барпо қилинмоқда. Мутахассислар кечаси ишлайдиган шамол электростанциялари аккумуляторлар учун қувват манбаи бўлишини айтишмоқда. У куннинг иккинчи ярмида электростанцияларда юзга келадиган юкларни камайтиришга хизмат қилади. Маълумки, тушдан кейин Ер юзидаги ишчиларнинг учдан икки қисми уйига қайтиб, турли техник воситалар, хусусан, телевизор, компьютер ва бошқа маиший воситалардан фойдаланади.



Анор — кексайишга қарши самарали восита


"MedVesti" манбасида келтирилишича, швед олимлари анор таркибида мавжуд бўлган моддаларнинг қаршига қарши самарали таъсир кўрсатишини аниқлади.

Тиббиётда анор меваси ва пўстлогидан бир қатор касалликларнинг олдини олиш, даволашда фойдаланилади. Лозанна федерал политехника мактаби тадқиқотчилари ҳам анорнинг инсон саломатлиги учун фойдали хусусиятини аниқлаш мақсадида бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борди. Изланишлар сўнггида мазкур мева кўплаб хасталикларга даво экани, хусусан, организмнинг қариш жараёнини сезиларли даражада секинлаштириши аниқланди.

Тадқиқот гуруҳи аъзолари "Amazentis" биотехнологик компанияси мутахассислари билан ҳамкорликда ишлади. Боиси, бу компания кексаларга куч-қувват бағишловчи биокўшимчалар ишлаб чиқариш билан шуғулланади.

Олимлар қариллик даврини ортга суришга доир қатор усуллarnи кашф қилган, бироқ бунга табиий маҳсулотлар, яъни сабзавотлар, кўкатлар, мевалар, хусусан, анор истеъмол қилиш орқали эришиш кексаларга маъқул бўлмоқда.

Махфуза РЎЗИЕВА ва
Мадина АЛЛАЁРОВА тайёрлади.



реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKSION SAVDO» МЧЖ

2016 йил 25 август куни бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидаги очик аукцион савдоларини ўтказиши!

Аукцион савдоларига Тошкент вилояти, Олмалик шаҳри, Саноат ҳудудида жойлашган «AMMOFOS MAXAM» АЖ балансидаги 2005 й. и/ч, д/р 10/393 ZAA, бошланғич нархи 14 746 000 сўм бўлган «ГБА-Нексия-СНГ» русумли; Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темури шохқўчаси, 20-уйда жойлашган, Тошкент автомобиль йўллар институти балансидаги 1998 й. и/ч, д/р 01/314 RAA, бошланғич нархи 5 327 000 сўм бўлган «Нексия» русумли; Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 42-уйда жойлашган, Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази балансидаги 1997 й. и/ч, д/р 01/113 HAA, бошланғич нархи 7 529 000 сўм бўлган «Нексия» русумли; Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Абай кўчаси, 4-уйда жойлашган «YANGI TECHNOLOGIYALAR ILMIY-AXBOROT MARKAZI» ДУК балансидаги 2003 й. и/ч, д/р 01/1550

ВА, бошланғич нархи 19 380 900 сўм бўлган «Опель Омега» русумли автоматотранспорт воситалари қўйилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан 2 (икки) кун аввал соат 18:00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоиз миқдоридаги закалат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUKSION SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА: 00425, СТИР: 302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан кам бўлган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда, улар бўйича такрорий аукцион савдолари, улар сотилгунга қадар навбатдаги ҳафталарнинг ҳар пайшанба кунлари ўтказилади. Ушбу автотранспорт воситаларига қизиқиш билдирган талабгорлар, уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилларига бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари соат 15:00да бошланади ва куйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темури шохқўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Мажлис залли).

Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: 233-23-40; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru.

Яхшидан боғ қолади, дейдилар. Ахир, инсон ҳаётининг асл мақсади эзгу амалларни бажариш, у тўғрисида вужудга келган нури истиқбол, соғлом насл, маънавият, гўзаллик ва нафосатга эришиш эмасми?! Оддий бир инсон ўз ҳаёти давомида биргина меваги ниҳол эксаю, унинг меvasидан кўпчилик баҳраманд бўлса, қандай яхши. Устозларимиз орасида шундай инсонлар борки, улар яратган "боғ" ўзининг пурмаънолиги, гўзаллиги ва улканлиги билан кишининг кўзини қувнатиб, дилини яйратади. Фидойи олим Рисбой Жўраевнинг ҳаёт йўли, илмий ва раҳбарлик фаолияти ҳақида ҳам шундай фикрларни билдириш мумкин.

Ҳамон ижод, изланиш йўлида

Айтиш жоизки, устоз ўзининг илмга чанқоқлиги, янгиликка интилувчанлиги, меҳнатсеварлиги тўғрисида ҳаёти давомида катта муваффақиятларни қўлга киритди. Турли лавозимларда ишлаш жараёнида одамлар билан ишлаш маҳорати, талабчан раҳбарлиги, илмий салоҳияти юксаклиги билан ҳурматга сазовор бўлди.

Рисбой Жўраев қаерда, қайси раҳбарлик лавозимларида ишлаганини, илмий изланишдан тўхтамади, ишчанлик фазилатини бор бўй-басти билан намояндалар, фан доктори, профессор даражасига эришди.

Устознинг бундай касбий ва раҳбарлик салоҳияти, шогирдларга нисбатан талабчан ва

меҳрибонлиги ҳақида кўплаб ҳаётий мисолларни келтириш мумкин. Устоз узоқ йиллик илмий-ижодий фаолияти давомида ўзининг мустаҳкам илмий-педагогик мактабини яратди. У биз шогирдларига "Илм ва ижодий меҳнат эгаси ўз билим ҳамда тажрибасини муттасил ошириб бормаса, ўз устидан ишлашдан сал тўхтагудек бўлса, ҳаёт оқими уни қирғоққа чиқариб ташлайди, деган ҳикматни унутманг, доимо ёдда тутинг", дея сабоқ беради. Аввало бу ҳикматга ўзи амал қилиб келадиган устоз шу кунгача 3 та дарслик, 20 та монография, дастурий қўлланма ва тавсия, 300 дан ортиқ илмий мақола, уму-

мий ўрта таълим мактаблари учун математика, физика фанидан электрон дарслик ва мультимедиа ўқув қўлланмаси муаллифи ҳамдир. Шунингдек, устоз раҳбарлигида мактаблар учун электрон интерфаол доска яратилди. Унинг бевосита илмий раҳбарлиги ва маслаҳатлари асосида

Fanimiz fidoyilari

Зеро, чуқур дарё тинч оқади, деб бекорга айтмайдилар. Фарб файласуфларидан М.Монтень айтганидек, "Ҳақиқий фазилат дарёга ўхшайди, қанчалик чуқур бўлса, шунчалик сокин оқади". Устоз

ҳаётининг сокинлиги остида пўртаналар яширинган. Пўртанаси шундаки, доимо янги гоёлар билан тўлиб-тошиб юради.

Устознинг меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан муносиб эътироф этилган. У «Дўстлик» ордени соҳибидир.

Шуқри, айни етук ёшда ҳам устоз куч-қувватга тўла, ундаги юксак билим ва катта тажриба Ватанимиз таълим тизимини ривожига, юртимиз келажаги бўлган ёшларни юксак маънавиятли, баркамол авлод қилиб тарбиялашга ҳисса бўлиб қўшиливеради.

Раҳматилла МУСУРМОНОВ,
педагогика фанлари
номзоди, доцент,
Муҳайё ИНОЯТОВА,
педагогика фанлари номзоди

Ўқитишнинг янги метод ва технологиялари устидан муттасил изланган, ўғил-қизларнинг фанга қизиқишини оширишни асосий мақсадида айлантирган педагог доим илгорлар сафида юрш билан бирга, жамоада ўз ўрнига эга бўлади. Учтала туманидаги 283-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Муҳиба Ражабова ҳам шу каби фазилатлари билан ҳамкасбларининг эътиборини қозongan.

Педагогнинг изланувчанлиги

ўқувчилари муваффақиятида акс этмоқда

Муаллиманинг дарсларни замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида ижодий ёндашув асосида ўтаётгани ўқувчиларнинг билимга интилиши тобора ортиб, пировардида, турли кўрик-танловларда юқори ўринларни қўлга киритишида муҳим аҳамият касб этаётди. Жумладан, ўқитувчи ташкил этган "Шеърят гулшани" тўғрисида аъзолари кўплаб ютуқларга эришиб келмоқда. Хусусан, Ирода Содикова "Жаҳолатга қарши маърифат" кўрик-танловининг туман босқичида 1-ўринни, Шамина Шамсиева "Мустиқиллик мадҳи — болалар ижодида" кўрик-танловининг республика босқичида 3-ўринни, "Бетакромисан, ягонаман, она Ватаним" кўрик-танловининг шаҳар босқичида 1-ўринни, Мадина Раҳматуллаева "Жаҳолатга қарши маърифат" республика

кўрик-танловида 1-ўринни қўлга киритди. Муҳиба Ражабова қаерда, қайси жамоада фаолият юритмасин, доим ўқитувчилар билан ҳамкорлик, ҳамфикрлик масаласига жиддий эътибор қаратади. Ўша таълим муассасаси ўқувчиларига бор меҳрини, қалб кўрини бериб, илмга интилишини янада оширади. Муаллим ўзига хос ноанъавий усуллари, педагогга хос юқори маданияти, талабчанлиги боис ўтган ўқув йили якунида Халқ таълими вазириликнинг "Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочили" кўрак нишони билан тақдирланди. Бу эътибор изланувчан педагогни янги марралар сари илҳомлантиради, ўқитиш сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи гоёлар ишлаб чиқишга ундаши шубҳасиз.

Мамлакат ЛАТИПОВА,
Республика таълим
маркази бош методисти

Яшасин, Оналик бахти!

Изгирин тун. Негадир уйқум ўчди. Хаёллар оғушида бир нарсаларни ўйладим. Бу ўйлар шунчалар аралаш-куралаш эдики, қай бири қайси кўчага олиб кириб, қайси бир кўчадан олиб чиқади. Чек-чегараси йўқ хаёллар...

Секин туриб, болалар хонасига ўтдим. Юрагим бўлаклари бир-биридан хушрўй бўлиб ухлаб ётишди.

Фарзанд — инсон умиди, орзуси, кўнгил дармони. Бундай ширин бахт нафасидан тўқинландим.

Кенжатоимнинг мийғида кулиши беғубор болаликдан нишона. Ғам-ташвишсиз бу соф кулги туш асир бўлиши ҳам мумкин, аммо шунчалар латофатли ва тиниқ табассум эдики, ногаҳон унинг оёқ томонига секин чўкдим. Энг ширин, энг муаттар, энг тиниқ болалик мени ёнига чорлади. Ўзимнинг ўша олисда, йўл бошида қўл силкиб қолган болалигимни эсладим. У жуда узоқда бўлса ҳам, ҳали-ҳануз мен билан биргадек, гўё. Онажонимнинг тунда янграган алласи, меҳр тўла нигоҳи, жуда майин ва сехрли қўллари мени ўзига чорлади. Ўша "Эчки болалари" эртаги қўлогим остида янграгандек бўлди. Эчкининг оналик ҳисси тасвирланган ёқимли жумлалар яна мени ўзига ром этди. Ҳа, дунёдаги энг ширин дамлар, энг завқли пайт; тонгда иссиқ нон хиди билан тўлган дастурхон, мазали ширин чой. Демак, бу ширин чойи болалигимнинг шаффоф, биллур финжондаги чойи, ҳа, ўша болалик шу чойга чайилган бўлса ажабмас. Мактаб томон кузатаётган меҳрибон волидамнинг "Яхшилар билан бўл доим" деган маслаҳат, пандлари мени яна ўзи билан йўлга бошлаётгандек эди... Бу — бир умр ҳамроҳ бўлаётган эзгулик хитоби. Умр йўлидаги машъала...

Ногаҳон катта қизимнинг у ён-бу ёнга ағдарилиб, безовталанганидан ҳаёлим бўлинди. Устини ёпиш бахонасида энгашдим, ёстиғи остидаги кундалик дафтарга кўзим тушди.

Худди ўзим каби шеърлар асираси бўлган қизалоғим (мен учун ҳаммаси ҳали гўдакдек)нинг энг сара шеърлар ёзилган дафтари. Демак, кўнгил битиклари, дил сирлари, қалб тугёнлари. Ҳаётга ишонч ва умид бўлиб порлаган сатрлар.

Аслида, ўқиш мумкин бўлмаса-да, варақладим.

Бир-биридан ажойиб сўзлар, ширин туйғулар ифода этилган.

Мутафаккирларнинг салмоқли фикрлари,

энг қизиғи, шуларга мос чизилган (қизим ёшлигидан расм чизишни ёқтиради) чизгирасмлар.

Эркин Воҳидовнинг "Болалик" шеърига кўзим тушди.

Негадир хозирги ҳолатимга уйғунлик, яна ўша олис болалик, ўша олис туманнинг ғира-шира кўчалари гўё шеър сатрларига оҳангдош бўлиб ҳаёлимда узоқ жилваланди.

Болалик!

Мен сени бир умр қалбда,

Она сuti каби сақлай муқаддас.

Ҳа, она сuti каби пок, мўтабар, муқаддас болалик. Инсонни баъзан тафтиш қиладиган, баъзан эса иқдорлар кўчасига бошлаб, ўйлантирадиган, кези келганда шодлантирадиган хотиралар бекати. Кейинги саҳифа мени яна бир бошқа оламга етаклади. Унда қуйидаги пурмаъно қисқа-қисқа сатрлар жо бўлган.

Ота — гурур, она — меҳр, ака — фахр, ука — умид, опа — ор, сингил — номус, фарзанд — сийлов, келин — қарз, куёв — фарз, куда — бардош, кўшни — сирдош, меҳмон — ризқ, устоз — парвона, шогирд — бегона, дўст — диёнат, душман — хиёнат, оила — омад, рўзгор — даромад, ҳаёт — имкон, умр — имтихон, кун — жабр, тун — сабр, ўлим — ҳақ, яшаш — БАХТ...

Ўйлаб-ўйлаб яна кейинги расмлар билан ошно бўлдим. Уларда яна бир ижод маҳсули. Айвон, илгакдаги тўн, тахмондаги кўрпа-тўшаклар. Ҳаёт қатламларимикан бу...

Навбатдаги сатр Шавкат Раҳмон қаламига мансуб:

Умр деганлари ўтмоқда шошқин,
Тилла барглари элаб йўлимга.

Мисралардан шунинг англадимки, қизалоғим энди катта бўлиб қолибди. Мен учун эса у ҳамон гўдак. Аммо ҳаётнинг қонуни шундай эканки, фарзанд қачондир нимаси биландир ўзининг катта бўлганини сездириб қўяркан. Мана ўша вақтнинг илк саҳифаси, мен уни тан олишим керак.

Тонг оғушидаги бу каби оппоқ фикрлар ногаҳон ташрифи билан мени хурсанд қилди. Кўнглим тубидан отилиб чиққан, аммо ҳаётнинг энг ёрқин ва яна бир ширин ҳақиқати эди бу:

Яшасин, Оналик бахти!

Дилбар НОРМУРОВОВА,
Термиз шаҳридаги 11-мактаб ўқитувчиси

Ўқувчиларимиз ютуғи — бизнинг ҳам ютуқ

Фарзандлар камolini кўриш — халқимизнинг азалий нияти, истиғи. Ота-она борки, ўғил-қизларини соғ-саломат, аини пайтда билимли ва сadoқатли, ватанпарвар инсон бўлиб улғайса, дейди. Шу маънода, ёш авлоднинг ҳеч кимдан кам бўлмаслигини таъминлашга бугун давлат миқёсида эътибор қаратилиб, гaмхўрлик кўрсатилаётгани бежиз эмас.

Ёшларнинг ҳар томонлама баркамол улғайишида жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни бекиёс. Соҳага қаратилаётган юксак эътибор туфайли Шаҳрисабз туманида ҳам спорт билан шуғулланувчи ёшлар сафи тобора кенгаймоқда. Бунда умумтаълим мактабларида турли спорт тўғрақларининг йўлга қўйилаётгани муҳим аҳамият касб этаётир. Хусусан, ўзим фаолият юритаётган 94-умумий ўрта таълим мактабида аини пайтда ўнга яқин тўғрақлар мавжуд

бўлиб, уларда мактабимиз ўқувчилари бадий гимнастика, кўл тўпи, баскетбол, волейбол ва футбол билан мунтазам шуғулланмоқда. Мен кўл тўпи мураббийиман. Тўғрақларга, одатда, ўқувчиларни мажбурий эмас, балки ички иштиёқи, интилишига қараб оламиз ва кўллаб-қувватлаймиз, бор билим ва маҳоратимизни ўргатамиз. Ўқувчиларимизнинг ютуқларини кўрганда эса худди ўзимиз галаба қозонгандек қувонамиз.

Гап ютуқлар ҳақида

кетганда 2010 йилдан буён мактабимиз ўқувчилари туман ва вилоят миқёсида ўтказилаётган турли спорт мусобақаларида доимо пешқадам бўлиб келатганини алоҳида таъкидлаш лозим. Шунингдек, "Умид ниҳоллари"нинг саралаш мусобақалари туман босқичида кўплаб ўқувчиларимиз зафар кучиб келади. Бу йилги "Умид ниҳоллари"нинг саралаш жараёнларида ҳам ёш спортчиларимиз туман шарафини муносиб ҳимоя қилиб, вилоят мусобақаларида фахрли ўринларни кўлга киритди. Жумладан, туманимизнинг кўл тўпи бўйича терма жамоаси вилоятда 2-ўринни эгаллади. Ситора Эргашева, Моҳинур Ра-

йимова, Зулфия Мавлонова, Ирода Давронова, Мадина Эгамбердиева каби ўқувчиларимиздан иборат жамоага фақатгина финалда бироз омад етишмади.

Таълим муассасасида фақат кўл тўпи эмас, бошқа спорт турлари бўйича йирик мусобақаларда қатнашаётган ўқувчилар ҳам бор, албатта. Мухими, спорт бебаҳо саломатлик гарови эканини шогирдларимиз теран англаган. Уларнинг жисмоний тарбия билан шуғулланиб, ўз орзулари сари илдам одимлаши учун барча шароитлар яратилгани эса янада қувонарлидир.

Аскар ОЧИЛОВ,
жисмоний тарбия
фани ўқитувчиси

Имконияти чекланган спортчилар уларни тарбиялашнинг ўзига хосликлари

Юртимизда спорт билан шуғулланиш учун қулай шарт-шароитлар яратилганлиги жисмоний тарбия ва спортга бўлган қизиқишнинг янада ошишига сабаб бўлмоқда. Бугун мамлакатимизнинг қай ҳудудига борманг, бунёдкорлик, яратувчанликка гўвоҳ бўласиз. Аини шу жараёнда чекка қишлоқларда ҳам замонавий спорт иншоотлари қурилиб, фойдаланишга топширилаётгани спортни оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ишларини янги босқичга кўтармоқда. Жаҳон спорт ареналарида кўлга киритилган муваффақиятларимизда паралимпиячиларимизнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Ўзбекистон миллий паралимпия ассоциациясининг ташкил этилиши барча тоифадаги ногиронларнинг спортнинг ҳаракатли турлари билан шуғулланишига замин яратди. Хусусан, кўриш имконияти чекланган болаларнинг ҳам спортнинг бир неча турлари билан мунтазам шуғулланиш ва мусобақаларда иштирок этиш имконияти пайдо бўлди. Амалга оширилган саъй-ҳаракатлар кўп ўтмай ўз мевасини бера бошлади. Паралимпиячи дзюдочиларимизнинг Параосиё ўйинларидаги намунали иштироки ва юқори ўринларни эгаллаганлиги фикримиз тасдиқидир. Шерзод Намозов, Нурбек Бердиев, Феруз Саидов, Шариф Халилов ва Одил Тўлибоев каби тажрибали паралимпиячиларимиз юртимиз байроғини халқаро майдонларда баланд кўтариб, шохсупанинг юқори ўринларини эгаллаб келатган дзюдочилардир.

Ана шундай спортчилар сафини кенгайтириш, уларнинг издошларини тарбиялаш учун кўриш имконияти чекланган болаларни мактаб ёшиданок дзюдога жалб этиш, бу спорт турига қизиқишини рағбатлантириш, кучайтириш лозим. Бунинг учун махсус таълим муассасаларида болалар билан дзюдо машғулотларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Шу ўринда таълим муассасаларининг жисмоний тарбия фани ўқитувчилари зиммасига улкан масъулият юкланади. Кўзи ожиз ўқувчилар билан дзюдо машғулоти уюштириш аввалида

қуйидагиларга эътибор қаратиш фойдадан холи бўлмайди.

Биринчидан, кўришда нуқсон мавжуд бўлган болаларнинг жисмоний соғломлигини шифокор, руҳунос ва дефектологлар ёрдамида аниқлаш лозим. Қолаверса, жисмоний тарбия машғулотларида ўқувчиларни ҳар томонлама қувватлаб, уларнинг дзюдога қизиқиши қай даражада эканини билиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Болаларга дзюдо ҳақида, унинг тарихи, ривожланиш босқичлари ҳамда бугунги ҳусусида атрофлича ахборот бериш мураббийнинг машғулотлар аввалида амалга оширадиган ишларидан бири ҳисобланади.

Аксариат кўриш имконияти чекланган болаларда бошқа жисмоний хасталиклар ҳам учрайди. Мураббий ҳар бир боланинг саломатлиги тўғрисида етарлича маълумотга эга бўлмоғи, боллага шундан келиб чиққан ҳолда юк-ламалар бериши керак. Акс ҳолда кўшимча хасталиги бор боллага машғулот оғирлиқ қилиб, унинг саломатлигига хавф туғдириши мумкин.

Кўзи ожиз спортчини машғулот зали, ундаги жиҳозлар жойлашуви билан таништиримай, спорт қийимларини тўғри қийиш тартиби, улардан фойдаланиш йўллари ҳақида тушунтириш бермай туриб машғулотларга ўтиш мумкин эмас. Машғулотлар аввалида мураббий кўзи ожиз спортчиларга кўл қафлари ва бармоқлари ёрдамида спорт гиламини, унинг ўлчамларини ўрганиб чиқишга

имконият бермоғи зарур. Мураббий гиламининг зал саҳнига нисбатан тўшалиш ҳолатини ҳар бир ўқувчига алоҳида билдириб чиқади. Болаларнинг ялангоёқ ҳолатда татами сиртини хис қилиши учун машғулот уюштирилади. Унда кўзи ожиз ўқувчининг татами сиртини аниқ идрок этишига, тусмоллаб татами юзасининг ўлчамларини белгилаб олишига эришилади. Шунингдек, татамида ўтириш, ўрнидан туриш, саломлашиш ҳаракатлари ҳам индивидуал тартибда ўргатилади. Даставвал, умумривожлантирувчи машғулот орқали спортчи танаси машғулотларга тайёрланади.

Болаларга дзюдо атамалари: (хажеми) бошлаш, (мате) тўхташ, (шедо) оғохлантириш тўғрисида тушунча берилади. Бошлаш, тўхташ ҳамда оғохлантириш олишдаги тана ҳаракатлари яқка тартибда ўргатилади.

Машғулотларга тўлақонли киришишдан олдин ҳар бир спортчи билан алоҳида шуғулланиб, ҳаракатини унинг тана аъзолари воситасида бажартиришдан эринмаслик мураббийнинг муваффақиятини таъминлайди.

Машғулотларда чиниққан спортчиларни босқичма-босқич мусобақаларда синаб кўриш, баъзи-баъзида кўриш имконияти чекланган болаларни соғлом тенгқурлари билан беллаштириш туриш ҳам зиён қилмайди. Аммо вазиятга қараб, соғлом спортчининг ҳаракатларидан айрим жиҳатларни, жумладан, ҳаракатланишдаги тезкорлигини бироз чеклаб туриш керак. Мураббийнинг бу усули кўзи ожиз спортчининг ўзига ва имкониятига бўлган ишончини мустаҳкамлаб, ҳаракатларини тўғри баҳолашига ёрдам беради. Бу эса спортчининг мусобақаларда кўзланган мақсадга эришишида кўл келади.

Суннатилла БОБОЕВ,
дзюдо мураббийи



ЯНГИ МУРАББИЙ ТАЙИНЛАНДИ

Футбол бўйича Испания миллий терма жамоасини 65 ёшли Висенте дель Боске тарқ этиб, ўрнига янги бош мураббий тайинлангани ҳақида мамлакат футбол федерацияси (RFEF) расмий сайтида хабар берилди.



Унда ёзилишича, энди «Қизил Фурия»ни тажрибали мутахассис Хулен Лопетегги бошқаради. 49 ёшли мураббий 2014 йилдан буён португалларнинг «Порту» клубига устозлик қилаётганди. Шунингдек, Хулен 2010 йилдан 2014 йилгача турли ёшлар бўйича Испания терма жамоаларини бошқарган.

18 ОЙ КОРТГА ЧИҚМАЙДИ

Италиялик теннисчи Марко Чеккинато келишилган учрашувларга алоқадорликда айбонлиб, профессионал теннисчилар ассоциацияси қарорига кўра, 18 ойга дисквалификация қилинди.

Tennisbest.com манбасида берилишича, АТР рейтингининг 143-поғонасида турган Марко бундан ташқари 40 минг евро миқдорида жарима ҳам тўлади. Аниқлашича, у ўтган йилнинг октябрида Марокшда кечган «Челленжер» турнирида польшалик ҳамкасби Камил Майшакка атайин 1:6, 4:6 ҳисобларида ютқазиб берган. Ўша вақтда М.Чеккинато ўз фаолиятидаги энг яхши натижага эга бўлиб, АТР рейтингда 82-ўринда бораётганди.



БУГУН ГОЛИБ АНИҚЛАНДИ

Испаниянинг Бильбао шаҳрида шахмат бўйича ўтказилаётган «Мастерс» финал турнирининг саккизинчи турида россиялик Сергей Карякин ва норвегиялик Магнус Карlsen учрашди, дея хабар берди «ТАСС».



Унда томонлар дурангга имзо чекди. Америкалик Уэсли Со голландиялик Аниш Гирини енгган бўлса, хитойлик Вэй И америкалик шахматчи Хикару Накамура билан мурося кўчасини танлади.

Аини пайтда турнир жадвалини Карlsen 13 очко билан бошқармоқда, Накамура ҳисобида 10, Вэй И ҳамда Сода 9, Карякинда 7 ва Гирода 6 очко бор. Турнир бугун якунига етади.

ЕТАКЧИЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАДИ

Францияда бўлиб ўтаётган «Тур де Франс» кўпкунлик велопойга мусобақаларининг 18-босқичида «Скай» жамоаси аъзоси британиялик Крис Фрум Скай галаба қозонгани ҳақида «Спорт» наشري хабар берди.


Крис шу тарихида умумий рўйхатдаги етакчилик мавқеини янада мустаҳкамлади. Салланшадан Межевгача бўлган 17 км.лик масофани у 30 дақиқаю 43 сонияда босиб ўтди.

Ундан кейин «Lotto Soudal» жамоаси вакили — голландиялик спортчи Том Дюмулен маррага етиб келди. У голибдан 21 сония ортда қолди. Учинчи ўринни банд этган италиялик Фабио Ару эса («Астана») Крисдан 33 сония кечроқ маррани кесиб ўтади.

«Тур де Франс» 24 июль кунини ниҳоясига етади.

Эъзоза ЖАЛИЛОВА тайёрлади.

«Баркамол авлод»да ёзги таътил



Ўқувчиларнинг таътил даври қизғин паллага кирди. Шу кунларда «Баркамол авлод» болалар марказлари ҳам вақтини мазмунли ўтказаятган болалар билан гавжум.

Халқ таълими вазирлиги томонидан ёзги таътилни марокли ўтказиш, ўқувчи-ёшлар ўртасида ватанпарварлик, соғлом турмуш тарзи ва китобхонликни кенг тарғиб этиш, уларни «оммавий маданият»нинг турли салбий таъсирларидан ишончли ҳимоя қилиш мақсадида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастури муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шунга мувофиқ, марказимизда «Ёзги соғломлаштириш майдончаси» ташкил этилди. Дастурда болаларни тўғаракка жалб қилиш, жисмоний тарбия машғулоти ва спорт мусобақалари ўтказиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, тўғри овқатланишга эътибор қаратиш, саёҳат дарслари ташкил этиш, турли танлов ва беллашувлар уюштириш асосий вазифа қилиб белгиланди.

Юнусобод туманидаги

Аҳмад Дониш, Ойбек ва «Бободехқон» маҳаллаларида истикомат қиладиган 97- ва 273-умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, таътилни мазмунли ўтказиш юзасидан ота-оналар, педагоглар билан ҳамкорлик ўрнатилган. Болалар соат 08:00дан 12:00гача белгиланган жадвал асосида тўғарак машғулоти, маданий тадбир ва спорт мусобақаларида иштирок этади. «Тўқиш» тўғараги раҳбари Гулчехра Жалилованинг «Чоклар», «Қолдиқ иплардан сават тўқиш» каби машғулоти, «Инглиз тили» тўғараги раҳбари Юлдуз Мўминованинг «Келинг, чет тилида гаплашамиз», «Сўз ўйини», «Тун ва кун», «Яширин сўзлар» каби дидактик ўйинлари болажонларга манзур бўлмоқда. Санъатсевар ўқувчиларнинг вақтини мазмунли ўтказишига «Эст-

рада-вокал» тўғараги раҳбари Владимир Черненко масъул. Унинг ташаббуси билан ташкил этилган «Қувноқ болалик қўшиқлари» мавзусидаги маҳорат дарслари ўғил-қизларга жўшқинлик бағишлamoqда. Тўғарак аъзолари машғулот давомида куй-қўшиқ, рақс ижро этиб кайфиятини кўтариш баробарида, санъат сирларидан воқиф бўлmoqдалар.

Тўғарак машғулотларидан кейин болалар Мавжуда Болқибоева ташкиллаштирган «Жонажон ўлкам» мавзусидаги давра суҳбатидеки Лола Қосимова уюштираётган «Оқ теракми, кўк терак?..», «Ким эпчилу, ким чаққон?» каби миллий ўйинларга жалб этилmoqда. Доимий равишда ўтказиб келинаётган «Терроризм, диний экстремизм ва гиёҳвандликка қарши курашамиз» мавзусидаги маданий-маърифий тадбирлар ўқувчиларни хушёрликка чақириб, доимо огоҳ бўлишга ундамоқда.

Ўқувчиларга жонажон ўлкамиз тарихи, табиати,



Yoz — o'tmoqda soz



сервиқор тоғлари, гўзал ва бетакрор бог-роғлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳақида кенг тушунча берилаёттир. Марказ услубчилари қўл меҳнати намуналари асосида «Моҳир қўллар маҳорати» номли ижодий ишлар кўргазмасини ташкил этиб, ижодкор ўқувчиларни кенг жалб этmoqда.

Яқинда ўтказилган тадбирда ҳам болажонлар машғулотларда ясаган ижод намуналарини намойиш этди.

Улар ясаган турли буюмлар кўпчиликда катта таассурот қолдирди. Иқтидорли ўқувчилар учун ажратилган совға-саломлар уларга бир олам шодлик улашди.

Мавжуда ХАЙИТОВА,
Муниса КОДИРОВА,
«Баркамол авлод»
республика болалар
ўлкашунослик ва
экология маркази
ходимлари

В.ГРАНКИН
олган суратлар.



Ma‘rifat

ТА‘СИС
ЕТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ та‘лими вазирлиги,
Ўзбекистон Олий ва о‘рта махсус
та‘лим вазирлиги, Ўзбекистон
Та‘лим, сан ва маданият
ходимлари касба уюшмаси
Республика кенгаши.

Bosh muharrir Abdusamat RAHIMOV

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro‘yxatga olingan.
Indeks: 149, 150. G-724. Tiraj 35394.
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,
qog‘oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:

qabulxona — 233-50-55;
kotiбиyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo‘limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-4436



«Ma‘rifat»dan
materiallarni ko‘chirib
bosish tahririyat ruxsati
bilan amalga oshirilishi
shart.

Tahririyatga kelgan
qo‘lyozmalar taqiriz
qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.

O‘za yakuni — 21.50 Topshirildi — 22.00

MANZILIMIZ:
100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko‘chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:
Liliya BINASHEVA, Malohat TOSHOVA.
Navbatchi muharrir:
Xayriddinmurod ABULFAYZOV.
Navbatchi:
Bobomurod XUDYOBERDIYEV.

1 2 3 4 5 6